



**Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги
Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти**

**Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш кафедраси
5610100 – «Фермер хўжалигини бошқариш» йўналиши**

АБДУЛЛАЕВ ИСФАНДИЁР НОРХОНОВИЧ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Қорамолчиликда гўшт етиштириш технологияси ва уни
самарадорликка таъсир эътиш йўллари”
(Улугбек-Ойбек” МЧЖ мисолида)**

**Илмий раҳбар: профессор
Илмий маслаҳатчи: доцент**

**А.К.Қаҳаров
И.М.Ғаниев**

**Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга
қўйилди. “Зоотехния, ҳайвонлар
генетикаси ва урчитиш”
кафедраси мудири, доцент
_____ Э.Шаптаков
«_____» _____ 2012 й**

**Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети декани,
доцент _____
А.У.Остонов
« _____ » _____ 2012 й**

Самарқанд – 2012

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	
I. Танланган мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шархи.....	
II. Пастдаргом тумани «Улуғбек-Ойбек» МЧЖ нинг ресурслар салоҳияти ва улардан оқилона фойдаланиш салоҳиятлари	
2.1. Ер – сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	
2.2. Туманда ва хўжаликда моддий - техника ресурслари ва улардан фойдаланишнинг самарали йўллари.....	
2.3. Меҳнат ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш	
III. Пастдаргом тумани “УЛУҒБЕК -ОЙБЕК” МЧЖда гўшт ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш йўллари	
3.1. Гўшт ишлаб чиқариш технологияси	
3.2. Эркак бузоқ ва буқачаларни гўштга боқиш технологияси	
3.3. Бузоқларни қабул қилиш ва ёш молларни сақлаш.	
3.4. Гўштчилик хўжаликларида ёш молларни ўстириш ва бўрдоқилаш технологияси	
3.5. “УЛУҒБЕК -ОЙБЕК” МЧЖда буқачаларни бўрдоқилашда ҳар хил технологияларни қўллаш	
3.6.Тажрибадаги буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари.....	
3.7. Буқачаларни истеъмол қилган озиқасини маҳсулот бирлиги билан қоплаш хусусиятлари.....	
3.7. Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги	
IV. Туманда ихтисослашган фермер хўжаликларини такомиллаштириш йўллари	
4.1. Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг ўрни	
V. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари	
Хулоса ва амалий тавсиялар	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

КИРИШ

Аграр сектор Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорликнинг қудратли омили ҳисобланади. Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш эса жадал ривожлантириш муаммолари бозор иқтисодиётига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Қишлоқ хўжалигининг ажралмас тармоғи чорачилик ҳисобланади, чунки айнан ушбу соҳадан аҳолини сифатли озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Бунда аҳоли истеъмолидаги сут ва сут маҳсулотларини деярли барчаси, гўшнинг эса 70 фоизга яқинини берадиган қорамолчиликнинг ўрни муҳимдир.

Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ соҳани ривожлантиришни ҳуқуқий асослари яратилди. Бунга мисол қилиб 1995 йилда қабул қилинган “Наслчилик тўғрисида” ги давлат қонунини, Республика

Президентининг 308 ва 842 қарорларини ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларини келтириш мумкин. Бунинг натижасида 2012 йил 1 январгача чорвачиликнинг ҳолати тўғрисида бўлган маълумоти бўйича, қорамоллар бош сони 9 млндан зиёт, шу жумладан сигирлар бош сони 5 млн бошдан ортиқ бўлган. Гўшт ишлаб чиқориш 2 млн тоннага яқин. Сут ишлаб чиқариш 6 млн тоннадан ошган.

Шуниси диққатга сазоворки, мавжуд қорамолларнинг 96,6 ва сигирларнинг эса 95,2%и, ишлаб чиқарилган гўштнинг 70 ва сутнинг 96% айнан фермер ва деҳқон хўжаликлари зиммасига тўғри келади. Демак, яқин келажакда республикада қорамолчиликни ривожлантириш хўжалик субъекти бўлиб фақат деҳқон ва фермер хўжаликлари қолади. бу эса лмий ходим ва мутахассислардан, деҳқон ва фермер хўжаликлари технологик шароитида сут ва қорамол гўшти ишлаб чиқаришни самарали йўллари аниқлаб беришни талаб қилади. ана шундан келиб чиққан ҳолда урчитилаётган қорамол зотларининг насл, маҳсулдорлик, пўштдорлик ва бошқа хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикаимиз хўжаликларида урчитилаётган қора-ола зотли қорамоллар ўзининг бош сони (41% дан ортиқ) ва сигирларининг сут маҳсулдорлиги жиҳатидан урчитиш учун режали ҳисобланган зотлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Шунга қарамасдан, бу қорамол зот сигирлари айрим маҳсулдорлик, экстерер, пушторлик ва елинининг технологик хусусиятларини такомиллаштиришга муҳтож. Бу такомиллаштириш ишларини соф зотли урчитиш билан бир қаторда, қора-ола зотли сигирларни жаҳон генофондига хос голштин зотли буқалари билан чатиштириш йўли билан амалга ошириш бугунги кун талабидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, етиштирилаётган сут ва қорамол гўшти аҳоли эҳтиёжидан анча буларнинг барчаси бииров малакавий ишининг мавзусини долзарблигидан далолат беради.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ўзининг Мустақиллик йиллари давомида халқ хўжалиги барча тармоқлари бўйича улкан ютуқларга эришиб, дунё ҳамжамияти ни ҳайратда қолдирмоқда. Бунга исбот тариқасида 2010 йилдаги молиявий инқирозини келтириш мумкин. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, молиявий инқирози дунё иқтисодиётига 9,4 триллион АҚШ доллори миқдорида зарар этгазган. Бу эса жаҳон мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 15 фоизини ташкил қилади. Иқтисодий таназзул объектларини бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар АҚШ да 3,5 триллион доллорга етган. Бу мазкур мамлакат ялпи ички маҳсулотини 25,0 фоизи демакдир. Худди шунингдек, Буюк Британия 1 триллион, Германия 893 миллиард, Япония 326 миллиард ва Хитой 586 миллиард АҚШ доллори миқдоридаги сармояни айнан шу мақсадларга йўналтиришган. Хўш, молиявий инқироз асоратлари нималарда номоён бўлади.

Кузатишларга қараганда, мазкур инқирозни кенглиги дунёнинг кўплаб давлатларда ишсизлик даражаси кескин ошганлиги меҳнат қонунларини бузилиши, фуқораларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинмаганлиги натижасида номоён бўлган. Аҳолининг фаровонлигига путур етиб, қашоқлашув авж олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жахон молиявий инқирози бизнинг Мамлакатимизни четлаб ўтган. Бу маласага Президентимизнинг “Жоҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида батафсил тўхталиб ўтган.

Жумладан, асарда давлатимиз рахбари молиявий- иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодига таъсирини четлаб ўтишга мувофиқ бўлган омиллар хусусида шундай дейди: “ ... Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳат ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик”.

Қолаверса, жаҳонда кузатилаётган тинчлик даврида Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабхаларида ўсиш суратлари кузатилмоқда. Хусусан, 2011 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8,8 фоизни ташкил этган. 2011 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2010 йилга нисбатан 6,9 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса, деярли 2,0 баробар ошгани ҳам бунинг исботидир.

Ўз - ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва Мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётимизнинг асосий таянчи бўлган аграр соҳани ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган чора – тадбирлар самараси ўлароқ соҳада кўлга киритилаётган ютуқлар ҳам йилдан – йилга ортмоқда.

Мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ислоҳ қилиш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида юритилаётган оқилона ва барқарор сиёсат натижасида чорва моллари бош сони йилдан – йилга кўпаймоқда, паррандачиликда сезиларли ривожланиш қайд қилинмоқда, асаларичилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам салмоқли даражада ютуқларга эришилмоқда.

Масалан, 2012 йилнинг 1 январигача бўлган статистик маълумотларга кўра қорамоллар бош сони 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 106,3 фоизга, шу жумладан сигирлар бош сони 105,6 фоизга, қўй ва эчкилар бош сони 106,0 фоизга, паррандалар бош сони эса 12,8 фоизга етказилган. Шунингдек гўшт ишлаб чиқариш 6,3 фоизга, жами 297,1 минг тоннага, сут ишлаб чиқариш 6,5 фоизга жами 1 млн 0,773 минг тоннага, тухум ишлаб чиқариш 12,2 фоизга жами 575 млн 99 минг донага етказилиб, балиқ овлаш 18,8 фоизга ўсган. 2011 йил 1 январ ҳолати бўйича бу кўрсаткичлар янада юқори даражада бўлган.

Республикамизда чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича махсус Давлат дастури, Вазирлар маҳкамасининг бир нечта баёнлари қабул қилинган. Биргина 2010 йилда “Насл хизмат” корхоналари томонидан 471 та суъний уруғлантириш пунктлари ташкил этилганлигининг ўзи, ҳукуматимиз томонидан насли чорва яратиш ва шу асосида аҳолининг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, ички истеъмол бозорини сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш борасида нархларни барқарорлаштиришга қаратилган ишлар жадал олиб борилаётганлигидан дарак беради.

2010 йилда чорвачилик тармоғини кескин ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини 30 фоизга кўпайтириш ҳисобига аҳолини, арзон ва сифатли чорва маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва нархларни барқарорлаштириш ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, Республикамизда чорвачиликни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, соҳада самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 14 апрелдаги 03 – 35 - 20 сонли йиғилишларининг баёнининг 12 бандига асосан “Чорвачилик уюшмасини қайта ташкил қилиш негизида, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси” тузилди.

Шуни қайд этиш лозимки, чорвачилик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилаётган салмоғи, аҳоли эҳтиёжи даражасидан анча паст, бунинг асосий сабаби ҳайвонларни маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан самарали

фойдаланилмаётганлигидадир.

Бу борада Республика Президенти И.А.Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги, 2011 йилда Мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда мўлжалланган, энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида ўз фикрларини билдирди [7]. Бундан, шундай хулоса қилиш, лозимки, чорвачиликни шу жумладан уни бош тармоғи қорамолчилиқни барқарор ривожлантириш учун барча зооветеринария, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар талаб даражасида ташкил қилиниши зарур.

Бу муаммони ҳал қилиш учун биринчи навбатда қорамолчиқликда озуқа базасини ижобий ҳал етиш, озуқанинг сифатини талаб даражасига етказиш, зот ва зотдорликни яхшилдаш учун еса наслчилик ва селекция ишини талаб даражасидан ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариши ва уни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун соҳа мутахассисларидан кучли билим ва малака талаб қилинади.

Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигини барча соҳалари, шу жумладан чорвачилиқ соҳаси учун тайёрланаётган бўлажак мутахассисларнинг вазифалари, бурчлари ишлаб чиқаришга жорий етишлари лозим бўлган янги технологияларга оид фикр ва мулоҳазалари, 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» каби Давлат қонунларида кўрсатиб ўтилган.

Айнан ана шу қонунда кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида таълимнинг янги йўналишлари ташкил қилинди. Шулардан бири фермер хўжалиқларини бошқариш йўналишидир. Бугунги кунда ушбу йўналиш мутахассислари фермер хўжалиқларида деҳқончилик ва чорвачилиқни бозор иқтисодиёти шароитида замон талаби асосида ривожлантиришлари лозим.

1. ТАНЛАНГА МАВЗУНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ ВА АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Маълумки, бутун дунёда қишлоқ хўжалик тармоғи аҳолини озиқ- овқат муаммосини ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. Чунки истеъмолдаги барча маҳсулотлар айнан қишлоқ хўжалигидан олинади. Шунини унитмаслик лозимки қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисми ва асосий соҳаси бу чорвачилик ҳисобланади.

Инсон организми учун муҳим бўлган оксил айнан чорвачилик маҳсулотларидан олинади ва ўсимликлар дунёсидан олинadиган оксилдан анча устун туради, чунки чорвачилик маҳсулотларининг таркибида алмаштириб бўлмайдиган амино кислоталар етарлича сақланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Истиқлолга эришган куниданоқ халқ хўжалигининг барча тармоқларида шу жумладан, чорвачилик соҳасида ҳам кенг қамровли иқтисодий ислохотларни ўтказди ва ҳозиргача бу жараён давом этиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мамлакатда аграр соҳани ривожлантириш борасида тўғри олиб борилаётган сиёсат туфайли Мустаққилик йилларида барча турдаги ҳайвонлар бош сони йилдан – йилга кўпайиб, уларнинг маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби чорва моллари билан олиб бориладиган наслчилик ишларини, озиқлантириш ва асраш технологиясининг такомиллашганлигидир.

Лекин, шуни қайт қилиш лозимки ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжи даражасидан анча паст, бир вақтнинг ўзида ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан фойдаланиш эса 55 - 60 фоиз атрофида бўлиб қолмоқда. Бу эса барча турга мансуб бўлган ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бизнинг Мамлакатимизда чорвачиликни бош тармоғи бу қорамолчилик ҳисобланади. Чунки истеъмолдаги сутнинг деярли барчаси қорамоллардан олинса, истеъмолдаги гўштни 70 фоизига яқини айнан қорамолчиликдан олинади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг истеъмол бозоридаги гўшт

балансида қорамол гўшти биринчи ўринда туради. Ваҳоланки қорамол гўшти бутун дунёда чўчка ва парранда гўшtidан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Шуни қад қилиш лозимки Мамлакатимизнинг турли тоифадаги хўжаликларида қорамоллар бош сонини ошиши ҳар йили ўртача 5-7 фоизни, сут ишлаб чиқаришнинг ўсиши 20 – 25 фоизни ва гўшт маҳсулотини ишлаб чиқариш эса 15 - 20 фоизга ошиб келмоқда.

Ўзбекистонда урчитиладиган режали зотларни 4-5 фоизини махсус гўшт йўналишидаги зотлар ташкил қилади ҳалос. Уларнинг ҳам соф ҳолда урчитиш аҳволи талаб даражасида эмас, шунинг учун ҳам қорамол гўшти асосан сут йўналишидаги зотлардан ва уларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли чатишма авлодларидан олинади.

Сут йўналишидаги қорамол зотлари орасида ўзининг салмоғи ва сизирларининг сут маҳсулдорлиги билан қора-ола зот биринчи ўринда туради. Ушбу зотни гўшт маҳсулдорлиги ва умуман хўжалик фойдали белгиларини А. Храпковский (1985), Э.Карчевский (1985), З.Туракулов (1985), П.Собиров (1990), Ю.Файзуллаев (1993), А.Қаҳаров (1994), Р.У.Валиев (1996), У.Н.Носиров (2001, 2007, 2009) З. Тўракулов ва бошқалар (1999, 2002) ўрганишган. Лекин, бу иш ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Қуйида қора-ола ва уни ҳар – хил генотипли чатишма авлодларини гўшт маҳсулдорлиги таҳлил қилинади.

Юртимизда аграр секторнинг чорвачилик соҳасида бозор муносабатларини қарор топтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар натижасида бозор муносабатларига асосланган янги тизим шаклланаётгани хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий ташкилий ва ҳуқуқий шарт шароитларини тубдан ўзгартириб, провардида мулкчиликнинг турли шаклдаги чорвачилик хўжаликларини рақобатчилик асосида фаолият олиб бориши таъминланиши такидланади.

Тадбирда эришилган ютуқлар қатори соҳадаги ўз ечимини тўла топмаган айрим муаммолар, хусусан мамлакатимиз қонунчилигида чорвачиликка оид

хукукий меъёрлар доирасида айрим бўшлиқлар мавжудлиги ҳақида фикрлар билдирган. Хусусан чорвачилик юритишнинг экстенсив ва интенсив технологияларини қўллаш ҳақидаги хукукий меъёрлар, суғориладиган ва лалими ерларда чорвачилик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини қонунчиликнинг очилмаган қирралари сифатида этроф этилди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида янги хукукий муносабатлар вужудга келди. Айни пайтда чорвачилик, фермер хўжаликлари, деҳқон ва томорқа хўжаликлари орасидаги муносабатлар, уларга доир солиқ сиёсати, шунингдек чорвачилик хўжаликлари озуқа баъзасини ташкил этиш, чорвачиликни саноат асосида юритиш, чорва фермаларини барпо этишда уларнинг зоогигиеник ва экологик параметрларини, деҳқон ва томорқа хўжаликларида чорвачиликни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, турли шаклдаги чорва хўжаликлари орасида кооперация масалалари, чорва маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш борасида ҳам бўшлиқлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Жумладан соҳа ривожланишида муҳим ўрин тутувчи чорва озуқа баъзасини ташкил этиш борасида озуқабоп экинлар етиштирувчи, таёрловчи, уларни қайта ишловчи корхоналар мақоми амалдаги қонунчиликда аниқ белгиланиши кераклиги тўғрисидаги таклифлар атрофлича ўрганилди. Шу билан бирга, бошқа йўналишга ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳам чорвачилик юритишнинг хукукий асосларини яратиш, аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга имкон яратилиши ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

В.Сарапин ва бошқалар (2006), қора - ола зотига мансуб сигирларни голштин билан чатиштири олинган голштин зоти бўйича генотиби турлича бўлган аниғироғи I – гуруҳ ҳайвонларда 37,5 фоиз; II - гуруҳда 37,5 дан 62,5 фоизгача ва III - гуруҳда эса 62,5 % дан юқори бўлган буқачаларни ҳамда айнан шундай генотипга эга бўлган катта ёшдаги сигирларнинг гўшт маҳсулдорлигини ўрганишган.

Махсус ташкил қилинган илмий - ишлаб чиқариш тажрибасида шу нарса кузатилганки, барча гуруҳлардаги хайвонларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичи юқори бўлган, айрим индивидлар бир кунда 1000 граммгача қўшимча тирик вазнга эришган, бир вақтнинг ўзида бу кўрсаткич айрим индивидларда 700 - 800 граммни ташкил қилган. Тана ўлчамлари ва олинган тана ўлчамлари асосида ҳисобланган тана тузилиш индекслари бўйича ҳам ишонарли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланган бўлиб, бунда чатишма букачалар ижобий томонга ажралиб туришган.

18 ойликда ўтказилган назорат сўйимида: I – гуруҳ хайвонларда нимталанмаган гўштнинг оғирлиги 194,2 кг, иккинчи гуруҳда 102,4 кг, учинчи гуруҳда 104,9 кг бўлганлигини кўрсатади. Фарқ охириги гуруҳ фойдасига тегишли равишда 8,2 кг ёки 4,4 фоиз ва 10,7 кг ёки 5,8 фоизни ташкил қилган. Аммо бу кўрсаткич бўйича II - гуруҳдаги катта ёшдаги сигирлар аксинча ўз тенгқурларидан I ва III гуруҳдан мутаносиб равишда 29,4 кг ёки 10,4 фоиз ва 30,7 кг ёки 10,9 фоиз устунликка эришган. Лаҳм гўшт салмоғи бўйича ҳам букачалардан I- гуруҳ (155,2 кг) ва сигирлардан эса II – гуруҳ (145,0 кг) юқори кўрсаткичларга эришган. Аниқланган фарқ статистик жихатдан ўта ишончли даражададир.

Ўтган вақт ичида олиб борилган иқтисодий ислохатлар натижасида ер ислохати ва сувдан фойдаланиш бўйича туб ўзгаришлар рўй берди. Молия кридит ва солиқ соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб, нарх-наво масаласида нисбий барқарорликка эришилди. 2010 йил натижаларига кўра мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулотнинг бешдан бир қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилмоқда.

Соҳанинг, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом ашё билан таъминлашдаги аҳамияти тобора ўсиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозоридаги барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Шу жихатдан қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ҳамда аҳамияти “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, “2009 – 2012 йилларга

мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар” ва “2010 йилда иш ўринлари барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” каби қатор Давлат дастурлари қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг камровли ислохатлар изчиллиги ҳамда самарали натижалари таъминланиши борасида муҳим аҳамият касб этаётганлиги, вазирлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва қонунлари, Олий – мажлис қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар МАҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги тўғрисида низом” га амал қилиши, мамлакатда аграр соҳага оид Давлат дастурлари ижроси эса низомда расмий белгилаб қўйилган.

Қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш борасидаги вазифа ва функциялар асосида бевосита ёки вазирлик тасаруфидаги Республика ва ҳудудий органлар орқали амалга оширилишини қайт этди.

2011 йилда мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш Дастурида белгиланганидек ва 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида соҳада банд бўлган ортиқча иш кучини бошқа тормоқларга жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилганлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб боришни муҳим омили эканлигини таъкидлайди.

Бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига хизмат қилувчи тормоқларни ривожлантириш, кичик қайта ишлаш корхоналари, бизнес ва тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш устивор равишда амалга оширилаётганлиг эътироф этилди.

Қишлоқ хўжалиги тармоғини малакали мутахассислар билан таъминлаш, соҳада мутахассислар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тадбирларини

мунтазам равишда амалга ошириб бориш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

В.М.Иванов (1989, 2005) қизил чўл ва қора-ола зотларига мансуб букачаларни айрим маҳсулдорлик кўрсаткичларини, ушбу зот сигирларини голштин буқаси билан чатиштириш натижасида олинган чатишма ҳайвонларнинг кўрсаткичи билан таққослаб ўрганган. 424 кунлик сўқимлашдан кейин соф зотли букачаларни тирик вазни 422 кг бўлган. Бу кўрсаткич чатишма ҳайвонларда 443 кг ни ташкил қилган, фарқ 21,0 кг ёки 5,0 фоиз. Нимталанмаган гўшт миқдори бўйича фарқ чатишма букачалар фойдасига 18,6 кг ёки 8,6 фоиздир. Сўйим чикими, шунга мос равишда 55,1 ва 57,5 % бўлган. Муаллиф, олинган натижалар асосида бир - бирига яқин бўлган сутбоп қорамол зотларини ўзаро чатиштириш натижасида олинган авлодларда оз бўлсада гетрозис ходисаси намоён бўлган деган хулосага келган.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу тажриба яна бир бор қора-ола зотли қорамоллар нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги билан, балки гўшт маҳсулдорлиги билан ҳам кўпгина сут йўналишидаги зотлардан устун эканлигини кўрсатган.

Бундан ташқари қора-ола зоти ўзида мужассамлашган миқдор ва сифат белгилшарини авлоддан авлодга ўтказиш ҳам яхши хусусиятга эга эканлигини намоён этди. Истемол қилган озиқасини маҳсулот бирлиги билан қоплаш қобилияти ҳам талаб даражасидадир.

Юртимиздаги аграр соҳанинг чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик тармоқларида ҳам бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислохатлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда, соҳадаги ҳали қўлланилмаётган омилларни ишга тушириш ҳам долзарб масалаларга айланган. Жумладан, аҳоли, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида озуқабоп экинлар етиштириш ва тайёрлаш тизимини яратиш, улар қаромоғидаги чорвага озуқа етиштириб бериш каби масалалар бугунги кунда ўз ечимини кутмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ унимдорлигини аниқлаш ва ошириб боришга қаратилган давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, мутасадди

ташкiлатларнинг маъсулиятини ошириш тупроқлар ҳолати мониторингини мунтазам ошириш, тупроқ унимдорлигини ошириб боришни рағбатлантириш, улардан оқилоно фойдаланишга қаратилган республика ва ҳудудий дасурларни амалга оширишга давлат ҳокимияти органлари ва авзалликларига оид ҳуқуқий меёрларини мустаҳкамлаб қўйиш масалаларини қўймоқда.

Қишлоқ хўжалиги субъектлари моқомини белгилаш ва ишлаб чиқариш ихтисослашуви ҳамда асосий экинлар бўйича турланишнинг ҳуқуқий меёрлари ишлаб чиқилиши орқали ишлаб чиқаришга инновацияларни жадал тадбиқ этиш ҳам замон талаби даражасидаги муҳим масалаларга ойдинлик киритилиши зарур.

Бугунги кунда ҳам фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада кенгайтиришга ҳамда уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этишга қаратилган қонунчилик асосларини яратиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш талаб этилади.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида ислохатларни изчил чуқурлаштириш мамлакатда озиқ – овқат барқарорлигини таъминлаш, аҳоли эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, саъноатни хом ашё билан узликсиз таъминлаб бориш, қишлоқда турмуш фаровонлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш, фермиерлик ҳаракатини янада қўллаб-қуватлаш, унинг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларини ташкил этиш, қишлоқда шакилланаётган янги мулкый муносабатлар, ўрта синф – мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Юртбошимиз томонидан билдирилган “Фермер боё бўлса – мамлакат обод бўлади” деган ибора аграр соҳа, унинг асосий ва етакчи кучига айланган фермер хўжаликлари мамлакат иқтисодиётини юксалтиришдаги нақадар муҳим ўринга эга эканлигидан далолат беради.

А.Б.Коракулов (1996), қора-ола (I гурух), қора-ола х голштин (II гурух) чатишма ҳайвонларини ўсиш, ривожланиш, экстерьер хусусиятлари ва гўшт маҳсулдорлигини Тожикистон Республикасининг шароитида таққослаб ўрганган. Тажрибадаги букачаларнинг асраш ва озиклантириш шароити бир хил бўлган. Олинган натижалар шуни курстганки, ҳар иккала гурух ҳайвонларининг мутлоқ ва нисбий ўсиши ҳам юқори даражада бўлган, яъни дуркун ўсишган. Лекин, қора-олага қараганда уларнинг сигирларини голштин зотининг буқалари билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин авлодлари анча устунликка эришган. Хусусан 21 ойликда соф зотли қора-ола букачаларининг ўртача тирик вазни 479,8 кг ни ташкил қилган бўлган, бу кўрсаткич бўйича ўз тенгқурлари соф зотли қора-ола букачаларини 4,5 кг ёки, 0,9 фоиз орқада қолдиришган.

Букачаларнинг бир кунлик ўсиши, нисбий ўсиши ва ўсиш коэффициенти бўйича ҳам ишонарли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланган. Тана тузилиши сут йўналишидаги зотнинг тана тузилишига хос бўлган. Уларнинг кўкрак қафаси, кўкрак эни, улардан олдинги қисми пропорционал ривожланган бўлган. Ҳайвонларни гўшт маҳсулдорлигини аниқлаш учун 15, 18, 21 ва 24 ойликда назорат сўйими ўтказилиб, ҳар бир ўсиш ойида ҳар гуруҳдан ўртача 5 бошдан ҳайвон сўйилган ва сўйим кўрсаткичлари аниқланган. Гўшт маҳсулдорлигини баҳоланганда гўштнинг оғирлиги муҳим ҳисобланади. Бу тажрибада II гурух ҳайвонларнинг гўшт оғирлиги, I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 8 - 17 фоизга юқори бўлган.

А.Саматов (1999, 2004), Тожикистон Республикасининг шимолий ҳудуди шароитида қора-ола зотли сигирларни голштин билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил зотдорликдаги чатишма ҳайвонларни ўсиш ва ривожланиш, клиник статусини, гўшт маҳсулдорлигини ва гўштининг сифати каби кўрсаткичларини таққослаб ўрганган.

Муаллифнинг олинган рақамий маълумотлар асосида таъкидлашича, чатишма ҳайвонларда, голштин қон улуши даражаси ошган сари ўсиш ва ривожланиш, жараёни жадал кечган. Исътемом қилган ем-хашакни маҳсулот

бирлиги билан қоплаш хусусияти эса яхшиланган, яъни кам озуқа истеъмол қилиб кўп маҳсулот беришган. Хусусан 21 ойликдаги соф зотли қора-ола ва уларнинг биринчи ва иккинчи бўғин чатишма авлодларининг тирик вазни тегишли равишда: 565,8; 569,7; ва 579,2 кг бўлган бўлган.

Кўриниб турибдики, иккинчи бўғин авлодлари ўз тенгқурлари соф зотли ва биринчи бўғин чатишма авлодларини бу кўрсаткич бўйича тегишлича 13,4 кг ёки 4,4 фоиз, 9,5 кг ёки 1,7 фоиз орқада қолдиришган. Нимталанмаган гўштнинг оғирлиги мутаносиб равишда 24 ойликда : 339,4; 343,2; 357,4 кг. Фарқ охирги гуруҳ фойдасига мос тарзда: 18,0 кг ёки 5,3 фоиз, 14,2 кг ёки 4,1 фоизга тенг бўлган. 24 ойликда букачаларнинг тирик вазни тегишлича: 628,5; 635,0 ва 658,3 кг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ охиргиси фойдасига шунга мос равишда: 29,8 кг ёки 4,7 фоиз, 23,3 кг ёки 3,7 фоизга тенг бўлган. Гўштнинг марфологик ва кимёвий таркиби бўйича ҳам ишонарли даражада фарқ кузатилган.

Г.Б.Амантурдиев (1996), Тошкент вилояти шароитида асосан қора-ола зотли ҳайвонларни урчитилишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу зотга мансуб букачаларни турли асраш шароитида ўсиш, ривожланиш, клиник ва гематологик кўрсаткичларни ҳамда гўшт маҳсулдорлигини ўрганган. Тажриба давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 8,5 ойлигигача бинода, 8,5 ойдан 10 ойлигигача енгил ёпилган айвонга боғламасдан, кейин 14 ойлигигача боғлаб, 17 ойлигидгача эса енгил ёпилган айвонга боғлаб сўқимланган букачалар жадал ушиб катта тирик вазнга эришган.

Хусусан 17 ойликда ўтказилган назорат сўйимда шу нарса аниқ бўлдики, сўйишдан олдинги тирик вазни ушбу гуруҳ (VI) букачаларида 465,0 кг бўлиб , ўз тенгқурлари I – гуруҳдан 37,5 кг ёки 8,8 фоиз, II - гуруҳдан 22,6 кг ёки 5,1 фоиз, III- гуруҳдан 12,0 кг ёки 2,6 фоиз, IV – гуруҳдан 27,4 кг ёки 6,7 фоиз ва V- гуруҳдан 12,3 кг ёки 2,7 фоиз.

Гўшт маҳсулдорлигини ҳарактерлайдиган нимталанмаган гўшт оғирлиги бўйича VI- гуруҳ букачалари 260,2 кг, ўз тенгқурлари I, II, III, IV ва V – гуруҳларни тегишлича: 28,7 кг ёки 12,4 фоиз, 17,7 кг ёки 7,3 фоиз, 11,4 кг ёки

4,6 фоиз, 19,3 кг ёки 8,0 фоиз, 10,0 кг ёки 4,0 фоизга орқада қолдиришган. Сўйим оғирлиги бўйича фарқ гуруҳларда шунга мос равишда (VI- гуруҳда 272,2 кг,) 31,2 кг ёки 12,7 фоиз, 20,1 кг ёки 7,8 фоиз, 13,5 кг ёки 5,1 фоиз, 21,1 кг ёки 8,3 фоиз ва 10,9 кг ёки 4,1 фоизни ташкил қилган.

Клиник сатуси, ўсиш ва ривожланиши ва гўштининг сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ кузатилган. Олинган натижаларни мавжуд бўлган илмий манбаларнинг маълумотлари билан умумлаштириб муаллиф, Республикамиз шароитида урчитилаётган қора-ола зотиға мансуб букачаларнинг ўсиш ва ривожланишиға уларнинг гўшт маҳсулдорлиғиға ҳамда гўштининг сифат кўрсаткичларига сақлаш шароити ҳам таъсир қилади деган хулоса қилган.

А.А.Хушвақтов (2007) соф қора-ола зотли букачаларни ва шу зот сигирларини голштин зотиға мансуб букалар билан чатиштириш нарийжасида олинган букачаларнинг ўсиш, ривожланиши, айрим биологик хусусиятлари ва гўшт маҳсулдорлиғини Зарафшон воҳаси шароитида ўрганган. Бунинг учун 3 ойлик эркак букачалардан 30 бош ажратган, шулардан 10 боши қора-ола сигирларни голштин билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин (II- гуруҳ) ва яна 10 боши иккинчи бўғини (III - гуруҳ) чатишма авлодлар бўлиб, уларни бир хил асраш ва озиқлантириш шароитида боққан, парваришлаган ва сўқимлаган.

Ишнинг услубиға биноан ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлиғи ва гўштининг сифатини ўрганиш мақсадида 18 ва 21 ойликда назорат сўйим ўтказилган. Олинган маълумотлар барча ҳайвонлар жадал ўсганлиғини зотға хос бўлган даражада ривожланганлиғини, клиник сататуси, яъни организмнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари физиологик меъёр даражасида бўлганлиғини кўрсатган. Хусусан 21 ойликда ташкил қилинган назорат сўйимида қора - ола букачаларининг тирик вазни 464,3 кг ни ташкил қилган, бу кўрсаткичлар уларнинг тенгқурлари II ва III – гуруҳларда 506,1 ва 521,3 кг бўлган.

Демак фарқ охирги гуруҳ фойдасига, 57,0 кг ёки 12,3 фоиз ва 15,2 кг ёки 3,0 фоизга тенг бўлган. Букачаларнинг бу ойдаги сўйим оғирлиги тегишли равишда 269,3; 291,2 ва 309,6 кгни ташкил қилган. Бу кўрсаткич бўйича ҳам III гуруҳ букачалари, ўз тенгқурлари I ва II - гуруҳни шунга мос тарзда 40,3 кг ёки 15,0 фоиз ва 18,4 кг ёки 6,3 фоизга орқада қолдиришган. Гўштнинг сифат кўрсаткичлари бўйича эса, қора – ола зотли букачалар устун бўлишган.

О.Гетоков ва бошқалар (2004), қора-ола зотга мансуб сигирларни голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли чатишма ҳайвонлар ўзининг эмбрион даврида паст суратлар билан ўсади ва ривожланади. Бунда улар соф зотли қора- оладан бир мунча орқада қолди деган хулосага келишган.

Лекин, кейинги кўпгина кузатишлар натижасида шу ҳолат аниқландики, ўсишнинг кейинги постэмбрион давларида чатишма авлодлар соф зотлилардан устунлик қилишган. Хусусан 18 ойлик ёшидаги биринчи ва иккинчи бўғин чатишма букачалар 441,3 ва 450,4 кг тирик вазнга эга бўлиб, шунга мос равишда соф зотли қора - ола тенгдошларини 9,1 ва 27,8 кг , ёки 2,0 ва 6,5% орқада қолдиришган. Нимталар оғирлиги соф зотли қора-ола зотига мансуб букачаларда 220,6 кгни ташкил қилган бўлиб, биринчи бўғиндаги тенгқурларидан 13,8 кг ёки 6,3% ва иккинчи бўғиндаги тенгқурларидан эса 22,0 кг ёки 11,0 % кам тош босишган. Сўйим чиқими гуруҳларда шунга мос равишда: 55,3; 56,3; 57,5 фоизга тенг бўлган.

Махсус тажрибаларда олинган натижаларнинг тахлили шундан далолат берадики, қора - ола зотини голштин зоти билан айрим хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш бугунги кун талаби экан.

Ушбу тадқиқот ҳам МДХ да урчитилаётган 300 га яқин қорамол зотлари орасида қора ола зотини ўз ўрни борлигидан далолат беради ва яна бир марта қора - ола зоти нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги, балки гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати яъни экологик жихатдан тозаллиги бўйича бошқа урчитилаётган зотлардан қолишмайди, аксинча уларни кўпларидан устунлик қилади.

Д.С.Адушинов ва бошқалар (2002), хайвонларнинг зотиға ва зотдорлиғига, яъни генетик келиб чиқишиға ёшиға, жинсига қараб ўхшашлик асосида уч гуруҳға бўлган, ҳар бир гуруҳға 60 бошдан танлаб олган. I гуруҳ-соф зотили қора - ола , II гуруҳ- биринчи бўғин голштин дурағайлари ва III гуруҳ - иккинчи бўғин дурағайлари (қора- ола х голштин).

Барча гуруҳдаги хайвонлар генетик келиб чиқишидан қатий назар, бир хил шароитда асралган ва озиклантирилган. Тажриба 3 – ойликдан 18 ойлиғигача бўлган. 18 ойликда ҳар бир гуруҳдан 10 бошдан хайвон ажратилган, назорат сўйим ташкил қилинган. Сўйишдан олдинги тирик вазн гуруҳларда тегишлича: 450,3; 489,4; ва 478,6 кг бўлган. Кўриниб турибдики, сўйишдан олдинги тирик вазн бўйича II - гуруҳ хайвонлари ўз тенқурлари, I ва III - гуруҳлардан тегишли равишда: 39,1 кг ёки 8,7 фоиз ва 11,4 кг ёки 2,4 фоиз юқори кўрсаткичға эришишган.

Нимталанмаган гўшт оғирлиғи, I гуруҳда 245,6; II - да 271,7 ва III- да 265,9 кг бўлган. Бу кўрсаткич бўйича ҳам, II- гуруҳ хайвонлари фойдасига фарқ шунга мос тарзда: 21,6 кг ёки 10,6 фоиз ва 1,8 кг 0,7 фоизни ташкил этган. Сўйим чиқими эса тегишлича : 59,7; 61,1 ва 60,9 фоиз бўлган. 100 кг тирик вазнға тўғри келадиган лаҳм гўшт I - гуруҳда 43,4; II - гуруҳда 45,5 ва III - гуруҳда 45,1 кг ташкил қилган.

Олинган маълумотлар асосида муаллифлар, қора-ола зоти нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиғи, балки гўшт маҳсулдорлиғи бўйича ҳам кўпгина зотлардан устун эканлиғини таъкидлашган ва ўтказган тажрибаларда биринчи бўғин букачаларида кам бўлсада гетрозис ходисаси намоён бўлган деган хулосаға келишган.

П.С.Собиров (1995) маълумоти бўйича, Самарқанд вилояти шароитида қора-ола зотли қорамоллар ўзининг иқлимланиш хусусияти ва маҳсулдорлиғи билан кўпгина бошқа зотлардан ижобий томонға ажралиб турар экан. Лекин бошқа зотлар каби ушбу зот ҳам ўзининг айрим хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштиришға мухтож. Шунинг учун ҳам уни дунё генофондиға мансуб бўлган голштин зоти билан чатиштириш мақсадға

мувофиқдир. Шу мақсадда, Самарқанд вилоятида 1980 йиллардан бошлаб, ушбу зотнинг кондактр ва ҳарлав лақабли насли буқалари келтирилиб, қора-ола билан чатиштириш ишлари бошланган.

Муаллиф айрим ўтказган илмий - ишлаб чиқариш тажрибаларининг натижаларига асосланиб, қора-ола зотли қорамолларининг сигирлари нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги билан Мамлакатимиз шароитида урчитилаётган бошқа режали қорамол зотларидан анча устун бўлиб қолмай, балки ўзининг гўшт маҳсулдорлиги билан ҳам, хатто Республикамизда урчитилаётган айрим гўштбоп зотлардан қолишмаганлигини таъкидлаган.

Тахлил қилинган кўпгина илмий манбаларга асосланган ҳолда ҳам шуни қайд қилиш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам қора - ола зотли қорамоллар ўзининг бош сони ва сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича Мамлакатимизнинг ўзига хос экологик ва тез ўзгарувчан иқлим шароитида урчитилаётган қорамол зотлари орасида биринчи ўринда туради. Гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати кўрсаткичлари бўйича ҳам махсус гўшт йўналишидаги қорамол зотларидан қолишмайди.

А.Қаҳаров ва бошқалар (2004,2005), Д.Авазов ва бошқалар (2005) қора-ола зотини, голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган чатишма авлодларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини, айрим биологик хусусиятларни ва гўшт маҳсулдорлигини Республиканинг энг иссиқ худуди Сурхандарё вилояти шароитида, соф зотли қора - оланинг кўрсаткичларига қиёслаб ўрганишган.

Тажриба натижасида олинган маълумотлар асосида муаллифлар ўсиш жадаллиги, истеъмол қилган озиқани маҳсулт бирлиги билан қоплаш хусусияти, физиологик кўрсаткичлари клиник статус ва эталогик хусусиятлари сўйимнинг миқдор ва нисбий кўрсаткичлари, лахм гўшт миқдори, гўшtdорлик коэффиценти, гўшт ва терининг сифат кўрсаткичлари бўйича чатишма ҳайвонлар ўз тенгқурлари соф зотли қора- оладан устун эканлигини таъкидлаб ўтишган.

Муаллифлар, олинган натижаларни атрофлича тахлил қилиб, чатишма ҳайвонлар организмида соф зотли тенгқурларига нисбатан гетрозигот ҳолдаги ва доминант ҳолдаги гомозигот генлар кўп эканлигини таъкидлашган. Шунинг учун ҳам чатишма ҳайвонлар организмида оксидланиш ва модда алмашилиш жараёнлари меъёр даражада бўлган. Бу эса ўз навбатида хужайра ва тўқмаларни биологик жараёнлари нормал кечиб организмни дуркун ва жадал ўсишини таъминлаган. Натижада тирик вазн билан бевосита боғлиқликда бўлган гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичлари қора - олада ҳам айниқса қора - ола билан голштинни чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли авлодларда ҳам юқори бўлганлигини таъкидлашган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2003-2004 йиллардан эътиборан республика қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд бўлган жамоа ва ширкат хўжаликлари аста - секинлик ва босқичма - босқич фермер хўжаликларига айлантирила бошланди ва Мамалакат аграр сектори учун муҳим бўлган бу жараённинг ҳуқуқий асоси яратилди. Хусусан, 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаоллиги еркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 1998 йилда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги Давлат қонунларини, Республика Президентининг 2000 йил 4 мартдаги «Фермерларни хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес бошқа субъектларни қўллаб - қувватлаш чора - тадбирлари тўғрисида» ги ПК - 75 сонли, «Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришда ва шартномавий муносабатларини такомиллаштириш ва мажбуриятларини бажариши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПК-383 сонли қарорлари ҳамда 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохатларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» ги 3226 – сонли, ва 2003 йил 27 октябрдаги «2004 - 2006 йилларда фермер хўжалигини ривожлантириш концепсияси тўғрисида»ги 3342 сонли фармонларини, булардан ташқари, Республика Вазилар Маҳкамасининг кўплаб қарорларини келтириш мумкин.

Бугунги кунда 2011 йил июл ҳолатига кўра Республикада 80828 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга ажратилган жами ер майдони 5656,9 минг гектарни ташкил етмокда. Республика буйича барча фермер хўжаликларининг 41 мингдан ортиғи пахта ва ғаллачиликка, 22 мингдан ортиғи боғдорчилик ва ўзумчиликка, 4 мингтаси сабзавот ва полизчиликка, 6 мингтаси чорвачиликка ва 6 мингтаси бошқа соҳаларга ихтисослашган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, ислохатларни фаол амалга ошириш керак бўлган раҳбарларининг барчаси ҳам бозор иктисодиётига ҳам янги вазифаларни ҳали тўла -тўқис англаб етишгани йўқ. Жойларда хўжалик юритишнинг Янги қоидалари тушуниб етилмаслиги сезилмокда. Бошқарувнинг ҳама буғинларида ташаббускорлик ва тадбиркорлик етишмаяпти. Амалга оширилган ташкилий ўзгаришлар яратиб берилган иктисодий имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларига қарамай хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармокда.

Қабул қилинган қонунлар ва фармонларга еътиборсизлик маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳукукларини камситиш ҳоллари мавжуд. Бино- барин бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлларида бораётган.

Мамалакатимизда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва аграр муносабатларининг янги тури шаклланиши даврида фермер нафақат товар (маҳсулот) ишлаб чиқарувчи, балки бозор иктисодиёти қонуниятларини мукамал билувчи, уни атрофлича таҳлил қилиб, тегишли ҳулосалар чиқарган ҳолда ушбу қонунлар асосида мустақил фаолият кўрсата оладиган омилкор, ишбилармон ҳам бўлиши керак.

Чунки иктисодиёт қонунларининг талаблари ва амал қилиш хусусиятлари билан ҳисоблашмай туриб ҳеч бир соҳада, жумладан фермерлик ҳаракатида ҳам муваффақиятга еришиб бўлмайди.

«Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик тўғрисидаги» Қонун ҳамда Республикада фермер хўжалигини янада ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб қувватлаш тўғрисидаги Мамалакатимиз Президенти фармонларида тадбиркорларни синфи еркин бозор иктисодиётига

таянган демократик жамиятда ўртанчи синф еканлиги ва улар фаол гуруҳ ҳисобланиши таъкидлаб ўтилган.

Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунда тадбиркорларда ўз мол мулкани фойдаланиш еркинлиги, маҳсулотни таксимлаш еркинлиги ҳуқуқий тенглик ихтиёрий ишга ёллаш чекланмаган даромад олиш имкони қафолатланади.

Одатда тадбиркор қонунлар билан манъ етилмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга ҳақли. Бундан ташқари қонунда тадбиркорликнинг ахлоқий қоидалари - ҳаллоллик ва ҳаромдан ҳазар қилиш қаби фазилатлар ҳам ўз аксини топган.

Иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш жараёнида хўжалик юритишнинг фермерлик тизими тобора жадаллашиб боради ҳамда ширкат хўжаликлари ўрнини ҳудудий фермер уюшмалари егаллашлари мумкин. Фермер хўжалиги иш фаолиятининг асосий принциплари. Ислон таълимотига кўра меҳнатсиз қўлга киритилган лўқма ҳаромдир. Тадбиркор ҳам ўз ризқу насибасини ҳалол меҳнати билан топиши шарт. Ҳалоллик тадбиркорнинг енг муҳим фазилатидир.

Тадбиркорликдаги эркин фаолият - қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишдир. У хўжалик юритишда ва фойда таксимотида еркин бўлади. Мулк шаклидан қатъий назар қонунга баробар бўйсунити фермерлик ҳам, фермер хўжалигига ишчи ёллаш ҳам мутлоқо ихтиёрий, кўнгилли бўлиши керак. Фермер декларация (ҳисобот) орқали давлат солиқ инспекцияси олдида ҳисобот бериб тўриши керак.

Мўл – кўл чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Ўзбекистон аҳолисини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари таъминлаш муаммолари чорвадорлар фермер хўжаликлари зиммасига катта маъсулият юклайди. Бу улкан ва шарафли вазифани бажаришнинг асосий омиллари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Мустаҳкам озуқа захирасини яратиш.

б) Моллар бош сонини кўпайтириш уларни зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш.

в) Ёш молларни парваришлаш ва махсуот ишлаб чиқариш технологияларини жорий етиш.

г) Фан ютуклари илғорлар тажрибасини амалда кенг қўллаш.

д) Иктисодий ислохатларни босқичма – босқич амалга ошириш.

Фермер хўжалигини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартарф қилиш. Чорвачилик тарақиётини таъминлаш наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ. Бу борада хўжаликларда наслдор сигирлар салмоғини 50 фоизга кўтариш ва ҳар 100 бош сигирдан 25 - 30 бошдан ғунажин олиш лозим. Наслли моллар етиштирувчи хўжаликларни моддий рағбарлантириш максадида жорий йилдан бошлаб сотилган ҳар бош насли қорамол учун давлат ресурсларидан 1500 кг омухта ем ва 500 кг дан пахта шроти ҳар бир қўй ва ечки учун 200 кг дан омухта ем ажратиб берилмоқда. Бу наслчилик билан шугулланувчи хўжаликни давлат томонидан қўллаб - қуватлаш ва наслчилик ишини олиб боришга рағбатлантириш учун қўйилган кадамдир.

Туйимли озуқа ҳисобланган омухта емнинг йил сайин бир неча баробар камайиб кетиши сифатининг пастлиги чорва моллари махсулдорлигига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Натижада қормолчилик, қўйчилик, йилқичилик тармоқлари кўплаб гўшт ва сут махсулотлари айникса асосан омухта ем ишлатиладиган паррандачилик соҳаси миллионлаб дона тухум ва гўшт ишлаб чиқаришдан маҳрум бўляпти. Сифатсиз тайёрланган омухта емни сотиб олиш учун сарфланган маблағлар қишлоқ хўжаликлари корхоналари фермерлар кўраётган моддий зарарнинг асосий қисмини ташкил етмоқда.

Умуман олганда, чорачилик учун пахта шроти ва шелуха етказиб берадиган ёғ мой камбинатлари ва хайвонларнинг ёши ҳамда турларини ҳисобга олиб турли сифатдаги омухта ем ишлаб чиқариб берадиган комбинатларда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифатини давлат стандартига мос келишини тахлилий назорат лабораториялари бевосита тартибга келтириши талаб етилади.

Эндиликда озуқабоп екинларнинг сифатли уруғларини топиш ҳам муаммо бўлиб қоляпти. Шунинг учун республиканинг ҳар бир ҳудудида уруғчилик хўжалиги ёки бригадалари ташкил етиш уларга зарур миқдорда ер майдони ажратиб бериши керак. Кейинги пайтларда озуқабоп екинларга ишлов бериш, ўриш, йиғиш техникалари етишмаслиги сабабли тайёрланган озуқаларнинг кўп қисми нобуд бўлиб, сифациз жамғарилмоқда.

Чорвачиликдаги механизасия муаммоларини ҳал етиш учун республиканинг ўзида озуқабоп екинлар ҳосилини ўриб йиғиб олишга мосланган техникаларни ишлаб чиқариш масаласини ҳал қилиш лозим.

Чорвачиликни ривожлантиришда олимларимиз кўп қиррали илмий ютуқларни амалда исботлаб ишлаб чиқаришга тақдим етишмоқда.

Селекционер олимларимиз чорвадорлар билан ҳамкорликда серсут ва гўштдор қорамолларнинг, қўй ва эчкиларнинг, паррандаларнинг гуруҳлари ва турларини яратиш усулларини кўрсатиб беришган.

Бугунги кунда фаолият курсатаётган фермер хўжаликлари тасарруфида 1 миллион гектардан ортиқ ер майдони бўлиб, 10 йилдан 50 йилгача муддатли ижарага берилган. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят, туман вакилларининг раҳбар ва мутахассислари томонидан фермер хўжаликлари ўртасида олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаларидан шу нарса кўринмоқдаки фермерлар ерни ўзоқ муддатга ижарага берилишидан рози. Чунки, фермер хўжаликлари раҳбарликларига ер сотилмаётганлиги балки ижарага берилаётганлиги, бу хусусий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимида ўтиш даври талаблари еканлигини ёътироф етишмоқда.

Чорва молларининг ирсий имкониятларини тулик юзага чиқаришда мустаҳкам озуқа базасининг яратиш ва бунда асосий екинлардан маккажухори, беда ва оралик екинлардан (арпа, сули тритикали, жавдар, озуқабоп нухот) унумли фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Оралик екинларни октябр ойида екиб, май ойининг иккинчи яримида ҳар бир гектардан 300 - 350 с дан донли сенаж тайёрлаш мумкин. Гектаридан икки марта ҳосил олингандан, ҳосилдорлик камида 10 - 12 тонна озиқа бирлигини ташкил етиш лозим.

Чорвачиликга оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали соҳада рўй бераётган ислохотларни ҳуқуқий жихатдан мустахкамлаш ва соҳага оид қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш муғим аҳамият ва долзарблик касб этади албатта.

Мазкур вазифалар:

- ихтисослашувидан катъий назар ҳар бир фермер ўз хўжалиги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда чорва булинмаларини ташкил қилиш ;
- соҳага замонавий технологиялар ва илгор тажрибаларни жорий етиш;
- чорвачилик фермаларини ташкил ети шоркали Янги иш ўринларини барпо етиш, фермер хўжалигида меҳнат жамоаси ва замонавий меҳнат мунособатларини шакиллантириш ;
- ишчиларнинг иш кулами малакаси ва маъсулиятини ошириш замонавий меҳнат услубларини жорий етиш ҳисобига меҳнат даромадларини кўпайтириш;
- замонавий билимларга ега халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида кучини аямайдиган малакали кадрлар етиштириш ;
- соҳада фаолият курсатиб келаётган ишчи ва мутахассисларни моддий ва маънавий жихатдан рағбарлантириш;
- мутахассислар амалиётчилар ва олимлар кенг жамоатчилик шу жумладан сиёсий партиялар вакиллари халқ депутатлари жамоа ташкилотлари вакилларида бор билим ва салоҳиятларини қўллаган ҳолда соҳа ривожига ўз кучларини сафарбар қилиш каби ташкилий ишлар амалга оширилишини талаб этади.

Халқимизнинг озуқ – овқат маҳсулотларига тобора ошиб борётган талабини қондиришда долзарб аҳамиятга ега муҳим вазифамиз ҳисобланган чорвачиликни янада ривожлантириш учун мавжуд барча омилларни ишга солиш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан тўлиқ фойдаланиш, маҳсулот салмоғини талаб даражасига етказиш бугунги кун талаби экан. Чунки инсон организмида нормал, биологик

жараёнлар кечиши учун қорамол гўшти муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам қорамол гўштини салмоғини ошириш ва уни экологик сифатини яхшилашга таъсир этувчи омилларни кўплаб олимлар ўрганишган экан. Таҳлилдан кўриниб турибдики, қорамол гўшти структурасига сутбоп зотларнинг шунингдек қора - ола зотнинг тутган ўрни салмоқли экан.

2. ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ “УЛУҒБЕК-ОЙБЕК” МЧЖНИНГ РЕСУРСЛАР САЛОХИЯТИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Маълумки, Мамалакат қишлоқ хўжалигида инсон, меҳнат воситалари ва предметлари билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ер ва сув фаол иштирок этади. Инсон меҳнати ер, сув, меҳнат воситаси ва меҳнат предмети қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширувчи зарурий шароит ва омиллар ҳисобланади. Бинобарин унинг ресурсларидир. Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари – меҳнат, ер, сув ва моддий ресурслар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш жараёнида фойдаланилади ва унинг потенциалини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари сифат жиҳатидан бир - биридан фарқ қилса ҳам, уларнинг бир қатор умумий томонлари ҳали мавжуддир. Шунинг унутмаслик лозимки, барча ресурслар орасида ер ресурси муҳим ўрин тутади.

Қишлоқ хўжалиги ер ресурслари деганда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хусусий мулк сифатида егалик қилувчи ва фойдаланувчи ер майдонлари тушунилади. Ер ресурслари ишлаб чиқаришнинг умумий омили бўлиб, тармоқдаги бошқа ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш учун моддий база ҳисобланади. Чунки ер қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳамда меҳнат предмети ҳисобланади (А.Исмоилов, О.Муртазаев 2005).

Ер ресурслари билан бир қаторда турадиган асосий ресурслардан бири бу сувдир. Сув ўсимликлар учун муҳим бўлган фотосинтез жараёнига

катнашади, ўсимлик организмнинг ажралмас бир қисми яъни моддасидир. Барча қишлоқ хўжалик екинларини яъни зироватларни шаклланишига нормал ўсиш ва ривожланишига шароит яратиб беради.

2.1. Ер – сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари

Шуни унутмаслик лозимки, Пастдарғом тумани ҳам бошқа туманлар қатори ер ресурслари муҳим ва ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган миллий бойлик ва хазина ҳисобланади. Ер ресурслари бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан тубдан фарқ қиладиган асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодига катта таъсир курсатади. Булар қуйидагилар: Ер табиат махсули, ернинг ҳудудий чегараланганлиги ва унинг такрор яратилмаслиги, ер бошқа ишлаб чиқариш воситалари сингари инсон хоҳиши ва имкониятига боғлиқ ҳолда кўпайиб боравермайди, ерни ҳеч ерга ва ҳеч қачон силжитиб бўлмайди, ер қаерда жойлашган бўлса ўша ерда ундан фойдаланилади, ер ўзини жойланишиши ҳудудлари буйича турли сифат кўрсаткичларига эга, бошқа ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнида ескиради, фойдалилик коэффисентини камайтиради, ер еса умрбод ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади, ескирмайди аксинча у яхшилаб парвариш қилинса кўп ҳосил беради.

Ернинг бу хусусиятлари унинг умрбодлигига, яъни унга қадалган зировотни озуқа моддалари билан қондириш ва ҳосил етиштириш хусусиятига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам тупрок унумдорлиги табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорликларга бўлиниб ҳам таҳлил қилинади. Тупрокнинг табиий унумдорлиги унинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларни тасвирлайди. У инсон меҳнат фаолиятига боғлиқ эмас. Тупрок унумдорлиги мутлоқ ва нисбий шаклда ҳам ўрганилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси”нинг 2 бобида кўрсатилганидек, ер қуйидаги категорияларга бўлинади: қишлоқ хўжалигига

мўлжалланган ерлар, аҳоли яшайдиган ерлар, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, реконструкция мақсадларига мўлжалланган ерлар, тарихий - маъданий аҳамиятга молик ерлар, ўрмон фонди ерлари, сув фонди ерлари, давлат захира ерлари.

Пастдарғом тумани ҳам ерлари ресурслари буйича енг катта туманларидан бири ҳисобланади. Туманда жами ер майдони 41312 гектарни ташкил этади. Шундан 21784 гектари ёки 52,7 фоизи ҳайдаладиган ва суғорилади ерлар ҳисобланади ва улар қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Қолган ерлар аҳоли яшаш пунктлари (қишлоқлар), ўрмонлар, яйловлар, давлат қўриқхоналари, саноат участкалари ерлари ҳисобланади. Пастдарғом туманида 32 та қишлоқ ва 6 та шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, 38 тани ташкил қилади.

Аҳоли зичлиги бир квадрат километрга 437 нафар киши тўғри келиб, вилоятдаги туманлар орасида аҳоли зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади.

Барча фермер хўжаликлари ер ресурсларидан самарали даражада фойдаланиб келинмоқда.

Пастдарғом тумани “Улуғбек-Ойбек” МЧЖ 2008 йилда туман ҳокимиятининг қарори билан мустқил фермер хўжалиги шаклида ташкил қилинган. Хўжалик “Беклар”, “Самарқанд”, “Чимбойобод” фуқаролар йиғини билан чегарадош, у туман марказидан 7 ва вилоят марказидан 42 км, Жума темирйўл станциясидан 34 км узоқликда жойлашган.

Хўжаликда ўртача ҳарорат ёзда $35 - 40^{\circ}\text{C}$, қишда эса $10 - 20^{\circ}\text{C}$, йиллик ёғингарчилик 280 мм ни ташкил қилади. Хўжаликда ерлари асосан бўз тупроқлардан иборат. Хўжаликнинг ер майдони 363 гектардан иборат.

Кейинги уч йил ичида суғориладиган майдонлар камайган ва шахсий хўжалик ерлари кўпайган. Чунки ҳар йили янги оилаларга томорқа участкалар берилган.

Хўжаликнинг умумий ер майдони ва ундан фойдаланиш

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
				миқдори +/-	нисбий %
Умумий ер майдони	363	363	363	-	-
Қишлоқ хўжалик ерлари	205	205	205	-	-
Суғориладиган ерлар	102	95	84	-18	21,4
Яйловлар	10	10	10	-	-
Кўп йиллик дарахтзорлар	29	29	29	-	-
Шахсий хўжалик ерлари	17	24	35	18	51,4

Манба: Улуғбек –Ойбек МЧЖ ҳисоботидан

Кейинги йилларда дон экинлари майдони 10 гектарга, уларнинг ҳосилдорлиги 5 центнер камайган. Дон учун маккажўхори майдони 5 гектарга кўпайган ва ҳосилдорлик 6 центнерга ошган.

Олиб борилган изланиш натижалари ва деҳқонларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, ер ресурсидан самарали фойдаланиш бевосита сув ресурсидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Сув ресурслари бизнинг Мамлакатимиз учун муҳим ҳисобланади, чунки бизнинг иқлими тез ўзгарувчан иссиқ ҳудуд ҳисобланади. Уни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун сувни имконият даражасида тежаш, исроф қилмасдан ундан оқилона фойдаланиш 1993 йил 6 - майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги Давлат қонуни билан белгилаб қўйилган.

Ушбу қонунда, сув давлат мулки еканлиги, умумий бойлик ҳисобланиши ва у давлат томонидан қўриқланиши кўрсатилган. Қонунга асосан ягона сув фонди ташкил етилган, бунга дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув хавзалари ва сув манбалари, канал ва ховузларнинг сувлари ер ости сувлари ва музликлардан иборат еканлиги қатъий белгиланган.

Қишлоқ хўжалик экинларини нормал ўсиш ва ривожланиши учун маълум меъёрда сув зарур бўлади, масалан 1 ц (буғдой, арпа, тарик) учун 30 - 40 тонна, картошка учун 18 - 20 тонна, шоли учун 135 - 140 тонна ва пахта учун 800 - 1000 тонна сув зарур бўлади.

Туманда сув ресурслари этарли, улардан фойдаланиш тартиби қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2 -жадвал

Пастдарғом тумани қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиби

Екин турлари	Суғориш сони	Суғориш меъёри м ³ /га	Мавсумий суғориш меъёри м ³ /га
Ўза	5-7	800-1100	5000-8500
Ўзги буғдой	4-5	700-850	3000-4500
Беда	10-11	900-1250	9500-12000
Маккажўхори	6-8	700-800	5000-6800
Картошка	7-8	400-500	3000-3500
Помидор	14-15	600-650	9000-9500
Бодринг	11-14	500-550	5500-7000
Ўвун	5-6	600-700	3000-4000
Тарвуз	5-6	600-650	3000-3800
Шоли	3	600-800	1700-2500
Сабзи	8-11	450-500	4500-6000
Пиёз	17-20	500-600	8500-11800

Манба: Туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлими маълумоти.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Пастдарғом тумани хўжаликларида қишлоқ хўжалик ва озуқабоп екинлар етиштиришда суғориш сони ва сувдан фойдаланиш меъёрлари, қабул килинган умумий ва ўртача меъёрларга тўғри келади. Айрим ҳудудларда ер ости сувлар яқин бўлганлиги учун сув меъёлари вилоят ўртача кўрсаткичларидан камроқ бўлган.

Силос учун маккажўхори майдони 5 гектарга озайиб, ҳосилдорлиги 22,0 центнер камайган. Кўк беда учун беда майдонлари 5 гектарга кўпайиб ҳосилдорлиги 4,5 центнерга пасайган.

3-жадвал

Қишлоқ хўжалик экинлари майдони ва уларнинг ҳосилдорлиги

Экин турлари	2009 йил		2010йил		2011йил		Ҳосилдорлик 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
	га	Ҳосил- дорлик, ц	га	Ҳосил- дорлик, ц	га	Ҳосил- дорлик, ц	миқдори +/-	нисбий %
Дон экинлари	400	40	400	35	300	35	-5	14,2
Маккажўхори:								
Дон учун	5	57	10	60	10	66	9	13,6
Силос учун	20	295	20	300	26	270	25	9,2
Беда кўк ўт учун	35	280	35	300	80	275	-5	1,8
Пичан учун	35	130	35	140	35,0	144,5	14,5	10,0
Лавлаги	5	600	0	604	9	450	150	33,3

Манба: “Улуғбек-Ойбек” МЧЖ маълумотлари

Силос учун маккажўхори 4 гектарга кўпайиб, ҳосилдорлиги 25 центнер камайган. Кўк беда учун беда майдонлари 10 гектарга кўпайиб ҳосилдорлиги 5 центнерга пасайган. Пичан учун беда майдони 40 гектарга ошиб, ҳосилдорлиги 10 центнерга кўпайган.

Хашаки лавлаги майдони 5 гектар кўпайиб, ҳосилдорлиги 150 центнерга пасайган. Умуман, кейинги йилларда экинларнинг маҳсулдорлиги анча юқори бўлган. Ҳосилдорликни янада кўпайтириш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш, маҳаллий ва маданий ўғитлардан самарали фойдаланил зарур.

Хўжаликда чорва молларини сонининг ўзгариши, бош

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
				миқдори +/-	нисбий %
Жами қорамоллар	400	419	476	76	15,9
Шундан сигирлар	233	248	259	26	10,0
Жами қўйлар	369	400	400	31	7,75
Шундан совлиқлар	150	195	190	40	21,0
Жами отлар	9	9	9	-	-
Шундан биялар	5	4	4	-1	25,0

Манба: “Улуғбек-Ойбек” МЧЖ маълумотлари

Кейинги йилларда қорамоллари сони 76 бошга, 19 % шундан сигирлар сони 26 бошга (11,2 %) кўпайган.

Хўжаликда чорва молларининг маҳсулдорлиги ва пушторлик хусусиятлари қуйидагича бўлган (5-жадвал).

Чорва молларининг маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
				миқдори +/-	нисбий %
Бир сигирдан олинган сут, кг	2299	2356	2596	297	11,4
100 бош сигирдан бузоқ олиш, бош	84	85	86	2	2,32
100 бош совлиқдан қўзи олиш, бош	96	97	99	3	3,0

Манба: “Улуғбек-Ойбек” МЧЖ маълумотлари

Кейинги 3 йилда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 1307 кг га (13,1 %)кўпайган, ҳар бош сигирлардан бузоқ олиш 2,0 бошга кўрайган. Бунинг сабаби сигирлар сонининг камайиши ва бир қисм сигирларнинг ўз вақтида қочирилмасдан қисиб қолиб кетганидир. 100 бош совлиқдан қўзи олиш 3 бошга кўпайган.

Чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун молларни зооветеринария талаблари асосида озиқлантириш, асраш, қочириш ва улардан тўғри фойдаланиш лозим.

Хўжаликда чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун озуқа сарфи қуйидагича ўзгариб борган (6-жадвал). Хўжаликда маҳсулот бирлиги учун озуқа харажатлари бирмунча юкори бўлган. 1 кг сут учун озуқа бирлигига, 1 кг семириш учун озуқа харажати қарий 6,3 марта ортиқ бўлган. Бунинг сабаби озиқлантиришдаги ҳар хил бузилишлар, айрим пайтларда ем озиқаларнинг етишмай қолиши натижасида молларнинг озиб кетиши, озиқаларни нотўғри сарфлаш, ҳисоб-китоб ишларидаги камчиликлардир. Одатда ҳайвонларни меъёрий озиқлантиришдаги 1 кг сут учун ўртача 1,2 озуқа бирлиги, қорамолларнинг 1 кг қўшимча семириш учун 8-10 озуқа бирлиги сарфланди.

6-жадвал

Чорва маҳсулотлари учун озуқа сарфи (озуқа бирлиги)

Маҳсулот турлари	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
				миқдори +/-	нисбий %
1 кг сут учун	1,77	1,76	1,65	- 0,12	7,2
1 кг семириш учун	15,0	12,0	12,0	-3,0	25,0

Манба: “Улуғбек-Ойбек” МЧЖ маълумотлари

Хўжаликда чорва маҳсулотлари таннархи ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Таннарх

маҳсулот бирлигига сарфланган ҳаражатларнинг пулдаги ифодасидир. Хўжаликда чорва маҳсулотлари таннархи қуйидагича ўзгариб борган.

Маҳсулотлар таннархи йилдан-йилга ошиб борган. Бунинг сабаби озукалар таннархининг ошиб бориши меҳнат ва бошқа ҳаражатларнинг қимматлашиб бораётганлиги ёки пул инфляциясининг ошиб боришидир.

А. Исмоилов, О.Муртазаевларнинг (2005) ёзишига қараганда, 1 куб. км чучук сувдан 113 минг тонна пахта, 116 минг тонна полиз ва сабзавот, 41 минг тонна мева ва узум, 7 минг тонна сув, 400 тонна пилла олишда фойдаланиш мумкин. Сувдан фойдаланишда енг аввало сувга бўлган талабни аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун ҳар бир екин тури бўйича йил мобайнида 1 гектар ерга қанча сув зарурлиги аниқланиб, уни умумий екин майдонида кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Сувдан ўсимликнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, режали ва меъёр даражасида фойдаланиш ер ресурсларининг самарадорлигини таъминлайди, бу еса ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг иктисодий самарадорлигини яхшиланишига сабаб бўлади. Пастдарғом туманида халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ер ва сув ресурсларидан ҳам самарали равишда фойдаланилмоқда дейиш мумкин.

2.2. Туманда ва хўжаликда моддий - техника ресурслари ва улардан фойдаланиш

Пастдарғом туманидаги моддий – техника базасини меъёр даражасида десак бўлади. Моддий – техника таркибига туманнинг ер ресурслари, ишлаб чиқариш иншоотлари, қишлоқ хўжалиги иншоотлари, машиналари ва жихозлари, транспорт воситалари, маҳсулдор ва ишчи хайвонлари, кўп йиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруғчилик, чорва моллари озукалари, нефт маҳсулотлари, ўғит, кимё воситалари ва бошқалар киради.

Тумандаги қишлоқ хўжалиги моддий - техника базасида ер асосий рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги моддий - техника базаси ҳар доим табиий шароитлар таъсирида бўлади, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш айрим воситалари мавсумий ҳаражатларга ега бўлади, бу еса моддий - техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади, қишлоқ

хўжалиги моддий – техника базасининг бир қисмини жонли индивидлар ташкил этади ва булардан ташқари қишлоқ хўжалиги транспорти учун транспорт хизмати, сифатли йўл қурилишни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларни таъмирлаш ва сақлашни таққозо этади.

7-жадвал

Пастдарғом туман хўжаликларида мавжуд бўлган
қишлоқ хўжалик техникалари

Кўрсаткичлар номи	Йиллар	
	2011	2012
Транспортлар жами	259	262
Шундан ер хайдовчи	25	26
Шудгорловчи	24	24
Чигит екадиган	15	15
Ғалла екадиган	8	8
Трактор тиркамалари	146	147
Трактор омочлари	23	24
Култиваторлар	24	25
Ғалла ўриб йиғадиган	4	4
Озуқа ўриб йиғувчи	4	4
Вўзапоя ўрадиган	9	9
Текислагичлар	6	6
Арик ва канал қазгичлар	3	3
Минерал ўғит сочадиганлар	5	5

Манба: Туман МТП маълумотлари.

Туманда 2012 йил 1 январ ҳолати бўйича 1826 та кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, фаолият кўрсатаётганлар улуши 87,6 фоизга тенгдир. У саноатда 35,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида 98,6 фоиз асосий капиталга киритилган инвестицияларда 50,9 %, қурилишда 99,3 фоиз, чакана савдода 68,1 фоиз, аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича 66,4 фоиз улушига егадир.

Туманда 2011 йил якуни билан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 48,5млрд сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 51,3 млрд сумга етган.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 64,7 фоизи йирик корхоналар хиссасига туўғри келади. Битта фермерларга ажратилган ер майдони 59,9 га ни ташкил этади. Доннинг ҳосилдорлиги 57,1 фоиз га ошган. Туманда енг катта саноат корхонаси бу «Пастдарғом ун комбинати» дир. Бундан ташқари туман ҳудудида 10 тадан ортиқ ҳар хил ҳажмдаги саноат корхоналари фаолият курсатиб, туманнинг моддий - техника базасида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Туманнинг моддий - техника ресурсларида чорвачилик тармоғи ҳам муҳим ўрин тутди. Шуни такидлаш лозимки, туманда чорвачиликни деярли барча турлари: қорамолчилик, қўй ва ечкичилик, паррандачилик, йилқичилик, асаларичилик, балиқчилик яхши ривожланган. Улар туманнинг моддий ресурслари ҳисобланади.

Хизмат курсатадиган МТП ларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик техникалари тўғрисида маълумот берилган. Кўриниб турибтики, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун 2 - 3 хил техникалар берилган. Шунинг учун ҳам бу фермер хўжаликларида иктисодий самарадорликни яхшилаш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз ва фермер хўжалигида унумдорликни ошириш учун керак бўлган қуйидаги агрегат ва мосламаларни таклиф етамиз.

1. АИД - 1 соғиш агрегати. Бир вақтнинг ўзида 3 - 5 сигирни соғади. Сигир ўртача 5 - 7 минут соғилади ва ундан 7 - 10 кг соғиб олинади. Бу ҳаракат 220 вольтли электр тармоғидан озиқланади ва 0,6 Квт/с қувват сарфлайди. АИД - 1 соғиш агрегати оғирлиги 48 кг, . соғиш пақирининг ҳажми (сиғими) 19 литр. Латвияда Резекни соғиш мосламалари ишлаб чиқариш заводида тайёрланади.

2. «Сатурн - 2» хўжалик электр сепаратори. Бу сепаратор 1 - соатда 50 литр ҳарорати 35 - 40° С бўлган сутнинг каймоғини ажратади. 60 квт/с қувват талаб қилади. Оғирлиги 4 кг. Ярославдаги матор ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилади.

3. СМ - 100 русумли электр қуввати билан ишлайдиган сомон майдалагич, бир соатда 100 кг сомон майдалайди. 1,4 Квт /с қувват сарфлайди. Оғирлиги

170 кг, ўлчамлари 1,2 х 0,5 х 1 м. Украинанинг Бердичев механика заводи маҳсулоти.

4. КУ - 4 универсал майдалагич агрегати, бир соатда 90 кг кўк ўтларни майдалайди ёки 25 кг донни ёрма қилади. Белоруссиянинг «Гомелселмаш» бирлашмасида тайёрланади.

5. ДЗ-Т - 1 электр қуввати билан ишлайдиган майдалагич. Бир соатда 40-100 кг донни ёрма қилади. 0,6 Квт/ с қувват сарфлайди. Оғирлиги 42 кг. Украинадаги, Новгород - Волинск «Селхозмаш» заводида ишлаб чиқарилади.

6. КРС - 0,85 русумли моторлашган қўл билан бошқариладиган ўт киргич. Унга моторлашган ёғоч аралагич «Друпоба» двигатели қўйилган. Унинг қуввати 4 от кучига тенг. Бир соатда 0,28 га майдондаги ўтни ўради. Соатига 2,2-3,4 км тезликда ўради. Кенглиги 0,85 м, габарит ўлчами 1390 х 4,80 х 810 мм. Оғирлиги 34 кг. Россиянинг Люберский ишлаб чиқариш бирлашмаси масхулоти.

7. МФ - 73 русумли ўт ўрвчи агрегат комплекчи билан 6 та операсия бажариши мумкин. Моторлашган қўл билан бошқарилади. Чехословакиядан олиб келинади.

8. От билан ишлатиладиган ўт ўргич, оғирлиги 3255 кг. Полшада ишлаб чиқарилади.

9. ПХ - 05 ярим тележкалар, 500 кг юк кўтаради. Оғирлиги 175 кг, мотоблоки МТЗ-0,5 «Белорус» комплекти билан бирга ишлайди. «Бобруйскферммаш» заводида ишлаб чиқарилади.

10. КР - 1, КЕП-Т - 1 русумли илдезмевалиларни майдалагич. Электр қуввати билан ишлайди. Бир соатда 80 - 150 кг илдезмеваларни майдалайди. Украинадаги «Ровноселмаш» заводи маҳсулоти.

11. КЗ - 1 озуқа буғлагич. Ўлчамлари 0,7 х 0,5 х 1,5 м, оғирлиги 50 кг.

Юқорида кўрсатилган механизмларнинг ҳеч бўлмаганда чорвачилик жараёнларига мослашганларини 50 фоизини хўжаликларда бузилишини таъмирлаш лозимдир.

2.3. Меҳнат ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш

Маълумк, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурслари ўзига ҳос муҳим хусусият касб этади. Чунки, меҳнат ресурсларисиз ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мумкин эмас. Айниқса моддий – техника ресурсларидан фойдаланишда меҳнат ресурслари муҳим ўрин тутди. Қандай қилиб техника ресурсларини меҳнат ресурсларисиз, аниқроғи инсонсиз ишлатиш мумкин, ёки қандай қилиб инсон меҳнақиз чорва моллари ва паррандаларини маҳсулдорлик бўйича генетик потенциалини юзага чиқариш мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурси марказида инсон меҳнати туради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Меҳнат кодексида” инсон меҳнатининг қанчалик муҳим ва улуғвор эканлиги таърифланган.

Пастдарғом туманида ҳам худди Мамалакатимизнинг бошқа туман ва вилоятларидагидек 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган еркаклар, 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллар ишга яроқли ҳисобланадилар. Умуман туман қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига қуйидагилар киради: доимий, мавсумий, вақтинчалик ишчилар, шунингдек штатда турувчилар, ўсмирлар, нафақахўрлар, шу жумладан, доимий ишчилар, муддақиз ишга қабул қилинганлар; мавсумий ишчилар – 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар; вақтинчалик ишчилар еса 2 ойгача муддатда қабул қилинганлар.

Туман аҳолисининг сони 2011 йил 1 январ ҳолати бўйича 133,9 минг кишини ташкил қилади. Шу жумладан 117,4 минг киши ёки 87,6 фоизи қишлоқ аҳолиси, шаҳар аҳолиси 16,5 минг киши ёки 12,4 фоиз. Туманда аҳоли зичлиги 1 кв. км да 437 нафар киши тўғри келади. Туманга бўйсинувчи шаҳар 1 та, қишлоқ фуқоролар йиғини 8 та, маҳалла фуқоролар йиғинлари 38 та, аҳоли пунктлари 150 та. Туманда бугунги кунда 11 та қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, уларда ишловчилар сони 1465 нафарга етган.

Туманда меҳнат ресурсларидан ташқари шартнома асосида, четдан жалб қилинадиган ёлланма ишчилар ҳам фаолият кўрсатади. Туман қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг шаклланиш ва фойдаланишнинг ўзига ҳос

қуйидаги хусусиятлари ўрганилган: биологик ишлаб чиқариш воситалари, тирик организмлар- тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни боқиш мақсадида ходимлар меҳнати йўналтирилганлиги; меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги табиий, хусусий, ернинг унимдорлиги ва об- ҳавога боғлиқ бўлади; ишлаб чиқариш жараёниларида, чорва моллари ва бошқа ресурсларнинг мустақил емаслиги; меҳнат жараёнларининг ўз- ўзини бошқариши; ходимлар даромадининг ўсимликчиликда ва чорвачиликда провард иқтисодий натижаларга боғлиқлиги; ходимлар даромадининг фақат ишtimoий хўжаликларда емас, балки шахсий деҳқон хўжаликларда ҳам қўлланилиши.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун қуйидагилар еътиборга олинади: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражаси: иш кучидан, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш; иш кучидан фойдаланиш самарадорлиги. Дастлабки икkitаси меҳнат ресурсларидан екстенсив фойдаланиш даражасини, охиргиси еса меҳнат ресурсларидан интензив фойдаланишни ҳарактерлайди.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффисиенти (МРФҚ) ўртача йиллик ходимлар сонини мавжуд меҳнат ресурслари миқдorigа (МРМ) бўлиш йўли билан ҳисобланади:

ЎрЙХС

МРФҚ = -----

МРМ

бу ерда; МРФҚ – меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффисиенти:

ЎрЕХС – ўртача йиллик ходимлар сони;

МРМ – меҳнат ресурслари миқдори.

Пастдарғом туманида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш талаб даражасида йўлга қўйилган. Ишсизлар сони жуда кам сонни ташкил етади.

3. ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ “УЛУҒБЕК-ОЙБЕК” МЧЖДА ГҶШТ ИШЛАБ ЧИҚОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Гўшт ишлаб чиқариш технологияси

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қорамол гўштининг 98-99 фоизи сут ва қушмахсулдор йуналишдаги зотлар ва уларнинг чатишма авлодларидан олинмокда. Факат 1-2 фоизигина гўштдор қорамол зотлари ва уларнинг чатишма авлодларига тўғри келади.

Замонавий гўшт ишлаб чиқариш йуналишида қуйидаги тизим технологиялар қулланилади:

- биринчиси, махсус ихтисослашган гўштчилик хўжаликлари ёки гўштчилик комплекслари бузоқларни 20 кунлигидан бошлаб то 13 ойлигига қадар гўштга жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологияси қулланилади, 400-420 килограммга ва юқори семизлик даражасига етказилади;

-иккинчиси, гўшт етиштиришга мулжалязнгзм шахсии ёрдамчи, дехдокон ва фермер хўжаликлари ҳамда корхоналар. ўртача меъёрда боқилга-8-10 ойликдаги 150-180 килограммли ёш моллар бошқа хўжаликлардан сотиб олинади. Улар, 280-30С вазнга қадар боқилади ва сунгра 90-100 кун мобайнида бўрдоқиланиб, 380-400 килограмм вазнгз ва юқори семизлик даражасига етказилиб гўштга топширилади;

-учинчиси, шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжаликларида бўрдоқилаш. Сўйиш кондинциясига (тирик вазни ва семизлиги буйича) етмаган ёш ва етук ёшдаги моллар пахта шроти, шелухаси, кепак, омихта ем, маккажўхори ёрмаси, пичан, сомон ва хўжалик чиқиндилари билан жадал бўрдоқиланади. Яйлов шароитидз семиртириш технологияси ҳам қўлланилади.

Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ, хўжалик корхоналаридаги қорамол зотлари ва уларнинг чатишма авлодлари махсус гўшт етиштириш технологияларида парваришлашда юқори семизликга ва 380-450 килограмм вазнга етади. Сўйим вазни 200-240 килограмм ва сўйим чиқими 53-55 фоизни ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки ёш молларни гўштга парваришлаш технологиясининг биринчи тизими энг мақбул ҳисобланади. Молларнинг гўшт маҳсулдорлик генетик потенциалидан самарали фойдаланилади.

3.2. Эркак бузоқ ва букачаларни гўштга боқиш технологияси

Ушбу технологияда гўшт ишлаб чиқаришнинг тулик цикли амалга оширилади. Яъни эркак бузоқлар 20 кунлигидан бошлаб сотиб олиниб, гўштга боқиш технологиясида 14-18 ойлигига 400-420 кг вазни қадар боқилади. Сифатли гўшт етиштирилади ҳамда озуқалардан самарали фойдаланишга эришилади.

Мавжуд технология хўжаликларни ихтисослаштириш (сут ҳамда гўшт йуналишида) асосида жорий этилади. Гўшт йуналишига ихтисослашган хўжаликлар ёки комплекслар сут йуналишидаги хўжаликлардан 20 кунлик соғлом эркак бузоқларни (келишилган нархларда) сотиб олади. Ушбу хўжалик ёки комплексларнинг бир йула сиғим ҳажми 1000-10000 бош булиши самарали ҳисобланади. Туман микёсида ташкил этилган гўштчилик хўжаликлари шу тумандаги деҳқон ва фермер хўжаликларидан, вилоят микёсида ташкил этилган гўштчилик комплекслари эса вилоят микёсидаги сут йуналишидаги хўжаликлардан бузоқ сотиб олади.

Республикада турли категориядаги хўжаликларнинг ҳозирги тизимида туманлар микёсидаги 1000 бошга мўлжалланган гўштчилик хўжаликларини шакллантириш мақбул. Хўжалик технологиясида ишлаб чиқариш гуруҳларини ритмик тулғизиб боришда сутчилик хўжаликларидан (аҳоли, деҳқон, фермер, қ/х корхоналари) бузоқ сотиб олиш поток-цикл графикада бажарилади. Унда хўжаликлардаги сигир ва ғунажинларни йил мобайнида туғиш мавсумийлиги ҳам эътиборга олинади.

Ёш молларни гўштга парваришлаш ва бурдоқилаш технологиясининг асосий параметрлари қуйидаги жадвалда келтирилди.

8-жадвал.

Ёш молларни гўштга парваришлаш ва бўрдоқилаш технологиясининг асосий параметрлари (турли ишлаб чиқариш жадаллигида)

Кўрсаткичлар	Турли жадаллик вариантлари		
	I (ярим жадал)	II (ўртача жадал)	III (ўртача жадал)
Сотиб олишдзги ёши, кун	20-25	20-25	20-25
Технологии даврлар:			
1-парваришлаш, кун	180	150	135
2-ўстириш, кун	215	170	145
3-бурдоқилаш, кун	145	150	145
Жами боқиш даври, кун	540	470	425
Тирик вазннинг ўртача кунлик ўсиш			
1-даврда	600	700	750
2-даврда	650	800	900
3-даврда	900	900	985
Жами боқиш даврида ўртача, г	700	800	880

Манба: Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008).

Ишлаб чиқаришдаги технологик даврлар 3 этапга бўлинади (парваришлаш, ўстириш ва ўурдоқилаш). Ушбу этапларда ёш молларни боқишнинг турли жадаллигида ўртача кунлик вазн ўсиши I-даврда 600-750 граммни, II - даврда — 650 - 900 граммни ва III - даврда 900-985 граммни ташкил этади. Уларнинг хўжаликка олиб келингандаги вазни (ўртача) 40 килограммни ташкил этишида ва турли вариантлардаги боқишда уларнинг вазни жадал ўзгаради (9-жадвал)

9-жадвал

Ёш молларни боқиш ва бурдоқ, илаш даврларида тирик вазннинг узгариши ва озук, алар сарфи

Курсаткичлар	Турли жадаллик вариантлари		
	I	II	III
Тирик вазнини ўзгариш динамикаси. кг:			
Сотиб олингандаги тирик вазни	40	40	40
I-даврнинг охиридаги тирик вазни	148	145	141
II-даврнинг охиридаги тирик вазни	288	281	272
III-даврнинг охиридаги тирик вазни	418	416	415

Гўштга топшириш ёши, кун	560	490	445
Парваришлаш ва бўрдоқилаш даврида 1 бошгз талаб килинадиган озуқалар. озика бирлиги	3402	3196	3000
Шу жумладан бир йил давомида, озуқа бирлиги	2300	2482	2576
1 кг вазн ўсишига сарфланадиган озуқалар, озуқа бирлиги	9,0	8,5	8,0
Шу жумладан концентрат (ем) озуқалари	3,6	3,8	4,0
Концентрат озуқаларнинг салмоги, %	40	45	50

Манба: Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2008).

3.3. Бузоқларни қабул қилиш ва ёш молларни сақлаш

Технологиянинг 1-варианти 1-даврида бузоқларни 20 кунлигидан 7 ойлигига қадар (180 кун мобайнида) боқишда 335 бошга, II-даврда 7 ойлигидан 14 ойлигига қадар 400 бошга, III-даврида 14 ойлигидан 19 ойлигига қадар 300 бошга мулжалланган сақлаш жойлари ташкил этилади.

Бузоқларни қабул қилиш ва бўрдоқиларни гўштга топшириш ритми ҳар 15 кунга бўрдоқи келади. Унда қабул килинаётган бузоқлар сони 26-28 бошни ташкил этади. Ушбу рақам сигирларни туғиш мавсумига қараб купайиши ёки озайиши мумкин.

Йил давомида 650-660 бузоқ сотиб олинади. Уларнинг 95% сакланишида ҳар йили 620-630 бош бўрдоқилар гўштга топширилади.

Молларни сақлашда енгил ва арзон типдаги бинолар тавсия этилади. Ёш моллар бинолар ичида сақланади ва озиқлантирилади I ва II-гуруҳдаги моллар яйратиб сақланади. Ётиш жойлари учун индивидуал бокслар ташкил этилади.

III-бўрдоқилаш даврида улар бинолар ичида боғлаб сақланади ва озуқлантирилади. Озуқа таркатиш йўллари ва столлари буйлаб озуқлантириш ишлари амалга оширилади.

I-даврдаги бузоқларни саклаш биноларида 12 секция ташкил этилиб уларнинг ҳар бирида 26-27 тадан бузоқлар сакланади. II-даврдаги биноларда 20 секция ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирида 20 бошдан ёш моллар жойлаштирилади.

Сотиб олинган 20 кунлик бузоқларни 2-3 кунлари (30 кунлигига қадар) шохсизлантириш самарали ҳисобланади. Шохсизлантириш термик усулда бажарилади. Бунинг учун электро-термокартердан (6 - 12 вольтли) фойдаланилади.

Термокартер 1000° С гача қиздирилади (унинг қуйдирадиган учи оқариб кетади). Шохтуғунчаси атрофидаги жунлар қуйдиришдан олдин қирқиб ташланади. Сунгра шохтуғунчасига термокартернинг қиздирилган (окарган) учи 3-5 дақиқа босиб турилади.

Сотиб олинган бузоқлар биринчи 30 кун мобайнида карантин режимида сакланади, керакли зооветеринария тадбирлари бажарилади.

Ёш молларни озуклантириш. Ёш молларни гўштга парваришlash ва бўрдоқилиш технологиясида озуклантириш хили, меъёри ва туйимлилигига алоҳида эътибор берилади. Парваришlashнинг I-даври I-фазасида бузоқларга 20 кунлигидан 66 кунлигига қадар сунъий 1 сут (ЗЦМ) берилади. Сунъий сут ҳар куни бузоқларга ичиришдан олдин махсус 1 қурилмаларда тайёрланади. Сунъий сут тайёрlashда соя унидан ҳам фойдаланиш мумкин.

I - фазада шунгдек омехта ем, сифатли пичан берилади. II - фазада ўсимлик озукаларига ўтказилади. Ушбу фазаларда букалар махсус тузилган схема бўйича озуклантирилади (10 - жадвал).

10-жадвал.

Суюлтирилган сунъий сут рецепти (100 кг ҳисобига, кг)

Компонентлар	Рецептлар		
	1	2	3
Ёғи олинган сут	95.0	98,3	97.9
Концентрат ёки ошпазлик ёғи	1,75	-	-
Суяк ёғи	-	1,85	2,00

Фосфат концентрати (озукавий)	0,76	0,38	-
Суюк казеннат натрий	-	-	0,62
А витамин препарата (таркибида 20000 МЕ/мл)	0,002	0,002	0,002
Д. витамин препарати (таркибида 200 000 МЕ/мл)	0,0006	0,0006	0,0006
Биовит	0,006	0,006	0,0006
Жами сарфланадиган хомашё	100,51	100.53	100,52
Чиқими	100	100	100

Манба: Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2010).

Бузоқларга сунъий сутни ичириш бир хил меъёрда олиб борилади ва 21-65 кунлик бузоқларга 44 кун мобайнида 215 кг сунъий сут ичирилади.

I-даврнинг I ва II-фазаларида бузоқлар учун 3074 кг махсус ем, 164,7 кг беда пичани (ёки майин табиий пичан) ва 877 килограмм маккажухори силоси берилади. Уларнинг туйимлилиги 681 озука бирлиги, 645 кг курук модда, 6903 мДж алмашинувчи энергия, 79659 грамм хазмланувчи протеинга тенг. 1 кг тирик вазни ўсишига 6,3 озука бирлиги, 6,0 кг курук модда, 64 мДж алмашинувчи энергия ва 738 граммдан хазмланувчи протеин сарфланади. 1 кг озука бирлигига 117 граммдан хазмланувчи протеин тутри келади.

Технологиянинг II ва III - даврларида молларни боқиш жадаллаштирилади. Улар асосан ширали озуклантириш типига боқилади. Рацион таркибини силос, пичан ва омихта емлар ташкил этади.

11 -жадвал

Бузоқларни боқишнинг I-даври I ва II-фазаларида озуклантириш программаси

Ёши муддати, кун	Муддат кунлари	Сунъий сут, кг		Махсус омихта ем, кг		Пичан, кг		Силос, кг	
		Бир кунда	Даврда	Бир кунда	Даврда	Бир кунда	Даврда	Бир кунда	Даврда

Биринчи фаза									
21-28	7	5	35	0,4	2,8	0,10	0,70	-	-
28-35	7	5	35	0,5	3,5	0,15	1,05	-	-
35-42	7	5	35	0,6	4,2	0,23	1,61	-	-
42-49	7	5	35	0,9	6,3	0,30	2,10	-	-
49-56	7	5	35	1,3	9,1	0,30	2,10	-	-
56-63	7	5	35	1,6	11,2	0,40	2,80	-	-
63-65	2	2,5	5	1,9	3,8	0,40	0,80	-	-
Иккинчи фаза									
65-70	5	-	-	2,2	11,0	1,0	5,0	-	-
70-77	7	-	-	2,4	16,8	1,0	7,0	-	-
77-84	7	-	-	2,6	18,2	1,1	7,7	-	-
84-91	7	-	-	2,6	18,2	1,2	8,4	-	-
91-98	7	-	-	2,6	18,2	1,2	8,4	-	-
98-105	7	-	-	2,4	16,8	1,4	9,8	-	-
105-112	7	-	-	2,4	16,8	1,6	11,2	-	-
112-119	7	-	-	2,4	16,8	1,5	10,5	-	-
119-126	7	-	-	2,2	15,4	1,5	10,5	4,0	28
126-133	7	-	-	2,2	15,4	1,5	10,5	5,0	35
133-140	7	-	-	2,2	15,4	1,5	10,5	6,0	42
140-147	7	-	-	2,0	14,0	1,4	9,8	8,0	56
147-161	14	-	-	1,7	23,8	1,2	16,8	11,0	154
161-180	19	-	-	1,4	26,6	1,0	19,0	13,0	247
180-201	21	-	-	1,1	23,1	1,0	21,0	15,0	315
Жами:	180	-	215	-	307,4	-	164,7	-	877
Ўртача 1-кунда	-	-	11,19	-	1,71	-	0,92	-	10,7

Манба: Профессор У.Н.Носиров маълумоти (2010).

Технологиянинг II-даврида (ўсиш) сарфланадиган озуқалар туйимлилиги 1379 озуқа бирлиги, 1356 кг куруқ модда, 10380 мДж алмашинувчи энергия, 190049 грамм хазмланувчи протеинга тенг. Ушбу даврда молларни 1 килограмм семиришига 9,85 озуқа бирлиги, 9,69 кг куруқ модда, 74 мДж алмашинувчи энергия ва 1357 грамм хазмланувчи протеин сарфланади.

III-даврда (бўрдоқлаш) ги озуқлантириш схемасидаги озуқаларда 1369 озуқа бирлиги, 1609 кг куруқ модда, 15 873 мДж алмашинувчи энергия ва 196893 грамм хазмланувчи протеин мавжуд. 1 кг кушимча вазн олиш учун 10,53 озуқа бирлиги, 12,38 куруқ модда, 122 мДж алмашинувчи энергия ва 1515 граммдан хазмланувчи протеин сарфланади.

Технология даврларида 215 кг сунъий сут, 4930 кг силос, 2295 кг сенаж, 652 кг пичан ва 1052 килограмм концентрат озуқалар сарфланади. Уларнинг туйимлиги 3429 озуқа бирлигига, 3610 кг курук моддага, 33156 мДж алмашинувчи энергияга, 466,601 килограмм хазмланувчи протеинга тенг. 1 кг семириш учун 9,07 озуқа бирлиги сарфланади. Хўжалик йил давомида 257-260 тонна гўшт ишлаб чикаради.

3.4. Гўштчилик хўжаликларида ёш молларни ўстириш ва бўрдоқилаш технологияси

Гўшт етиштиришга ихтисослашган хўжаликларнинг иккинчи типидегилари шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликлари ҳамда кишлок хўжалик корхоналари. Уларда 4-6 ойлик сутдан чиқарилган эркак бузоқлар сотиб олиниб устиришга ва бўрдоқилашга куйилади. 420-450 килограмм вазнга етгунга қадар бўрдоқиланади.

Бузоқларни сут ичиш даврида репродуктор хўжаликларнинг узида парваришланиш. Янги тушган бузоқлар 15 кунлигига қадар профилактория хоналарида парваришланади. Профилактория фазасининг биринчиси 5-7 кунда бузоқларга онасининг огиз сути ичирилади ва сунгра соф сутга утилади. Огиз сутини янги тугилган бузоқларга мумкин қалар тезроқ ва кейинги 2-3 кун мобайнида купрок ичиришга эътибор берилади. Сут ичириш даврида бузоқларнинг ўртача кунлик вазнини 400 граммга ошириш тавсия этилади.

12-жадвал

Новвосларни боқиш ва бўрдоқиланишнинг II ва III-даврида озуқлантириш программаси

Ўсиш даври, кун	Даврдаги кунлар	Силос, кг		Сенаж, кг		Пичан кг		Концентрат озуқалар, кг	
		Бир кун да	Давр кун- ларида	Бир кунд а	Давр кун- ларида	Бир кунд а	Давр кун- ларида	Бир кунда	Давр кун- ларида
II-давр (ўсиш)									
180-210	30	10	300	4,0	120	1,2	36	1,2	36
210-240	30	11	330	4,5	135	1,2	36	1,2	36
1240-270	30	12	360	5,0	150	1,2	36	1,3	39
270-300	30	13	390	5, 5	165	1,2	36	1,3	39

.300-330	30	14	420	6,0	180	1,2	36	1,4	42
330-360	30	15	450	6,0	180	1,2	36	1,5	45
360-395	35	16	560	6,0	210	1,5	53	1,8	63
Жами:	215	13,1	2810	5,3	1140	1,24	269	1,39	300
III-давр (ўсиш)									
395-425	30	16	480	7,0	210	1,5	45	2,2	66
425-455	30	15	450	7,5	225	1,5	45	2,6	78
455-485	30	14	420	8,0	240	1,5	45	3,1	93
485-515	30	14	420	8,5	255	1,5	45	3,6	108
315-540	25	14	350	9,0	225	1,5	38	4,0	100
Жами:	145	14,5	2120	8,0	1155	1,5	218	3,1	445

Манба: Профессор У.Н.Носиров ва бошқалар (2003)

Репродуктор хўжаликларида бузоқдарни 4 ойлигига кадар озуклантириш схемасининг турли вариантлари 13-жадвалда берилди.

13-жадвал.

Бузоқларни 4 ойлигига кадар озуклантириш схемаси (бир бошга), кг

Озуқалар	Вариантлар		
	1	2	3
Оғиз сути	28	28	28
Соф сут	200	350	80
Ёғи олинган сут	400		
Сунъий сут			28
Пичан	50	60	60
Силос	200	200	
Омихта ем	150	150	180
Минерал витамин кушимчзлари	3,5	3,5	3,5
Озуқа бирлиги	401	331	306
Қурук модда	240	232	247
Алмашинувчи энергия, МДж	3553	3538	2819
Хазмланувчи протеин	52	44	40

Манба: А.К.Калашников маълумотлари (1985).

Ҳар бир репродуктор хужалиги уз имкониятларида бузоқдарни боқишнинг ушбу уч хил схемаларидан фойдаланишлари мумкин.

Янги туғилган бузоқдарга 7 кун мобайнида оғиз ва ўтиш сутларини ҳар куни 4 килограммдан бериш лозим.

Ўштчилик хужалигида ёш молларни парваришlash ва устириш технологияси. Сотиб олинган 4-6 ойлик эркак бузоқлар технологиянинг 1-

парваришлаш даврида 120 кун ва II-устириш даврида 210 кун бокилади. Уларни технологик схемаси куйида келтирилди (14-жадвал).

14-жадвал.

Парваришлаш ва устириш даврининг технологик схемаси

Моллар вазнининг ўсиши	Озуқа турлари	Озуқлантириш турлари				
		кг	Озуқа бирлиги	Қуруқ модда, кг	Алманишувчи энергия,МДж	Хазмланувчи протейин,кг
I-давр (парваришlash 6-10 ойлик) 120 кун						
Тирик вазни 100-172 кг, ўртача кунлик ўсиш 600 г	Ширали озуқалар	950	190	238	2185	13,3
	Дағал озуқалар	398	175	330	2675	40,0
	Концентрат озуқалар	180	162	153	1800	18,0
II-давр (ўстириш 10-17 ойлик) 210 кун						
Тирик вазни 172-350 кг, ўртача кунлик ўсиш 850 г	Ширали озуқалар	250 0	580	625	5750	35,0
	Дағал озуқалар	945	415	784	6350	94,5
	Концентрат озуқалар	650	585	553	6500	65,0

Манба: Профессор У.Н.Носиров маълумотлари (2010).

Ишлаб чиқариш циклининг 1-даврда (парваришлаш) озуқлантириш рационаи молларни ҳар куни 600 граммдан ўстиришга мўлжалланган. Қиш фаслида рационнинг 36 фоизини дағал ва 30 фоизини концентрат озуқалар ташкил килади.

Молларни бир хил озуқлантириш типига утказиш ва йил давомида қишки рационда боқиш самарали ҳисобланади.

Биринчи даврдаги озуқлантириш типи ва меъёрида озуқаларнинг туйимлиги 527 озуқа бирлиги, 721 кг қуруқ модда, 6660 мДж алмашинувчи энергия, 71 кг хазмланувчи протеинга тенг булиб, 1 кг тирик вазн ўсишига 7,31 озуқа бирлиги, 10,0 кг қуруқ модда, 92 мДж алмашинувчи энергия 990 граммдан хазмланувчи протеин сарфланади.

Парваришлашнинг II-даврида (ўсиш молларни боқиш концентрат озуқалар миқдорини купайтириш (39%) ҳисобида жадаллаштирилади. Ширали дағал ва

концентрат озуқалар туйимлиги 1500 озуқа бирлиги, 1962 кг курук, модда, 18600 мДж алмашинувчи энергия ва 195 кг хазмланивчи протеин микдорида таъмин этилади.

II-даврда молларнинг 850 граммдан ўртача кунлик ёки 178 кг мутлок, вазн ўсишида унинг 1 килограммига 8,43 озуқа бирлиги, 11,0 кг курук, модда, мДж алмашинувчи энергия ва 1095 граммдан хазмланивчи протеин сарфланади.

Ёш молларни гўштга тайёрлашнинг якуний даври бўрдоқилаш хисобланади. Бўрдоқилаш технологияси буйича 150 кун бўрдоқи килинади. Бўрдоқилаш даври уч фазага булинади: биринчиси тайёрлаш (30 кун), иккинчиси асосий (60 кун) ва учинчиси якуний (60 кун). Ушбу Фазаларда моллар вазнини кунлик ўсиши 900-1000 граммга таъмин этилади. (15- жадвал).

Бўрдоқилашнинг узига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчиси тирик вазни генетик имкониятларида намоён этиш. Иккинчиси енгил хазм булувчи кучли озуқалардан самарали фойдаланиш, учинчиси моллар семизлик даражасини юкори конденцияга етказиш.

15-жадвал.

Бўрдоқилаш даврининг технологик схемаси

Моллар вазнининг ўсиши	Озуқа турлари	Озуқа-лар микдо-ри, кг	Туйимлилиги			
			Озуқа бирлиги	Курук модда, кг	Алмашинувчи энергия,МДж	Хазмланувчи протеин, кг
I-фаза (тайёрлэш) 30 кун						
Тирик вазни 350-375 кг, ўртача кунлик ўсиш 900 г	Ширали озуқалар	600	120	150	1380	! 8,4
	Дағал озуклар	135	60	112	907	13,6
	Концентрат озуқалар	150	135	128	1500	15,0 1
II-фаза (асосий кисм) 60 кун						
Тирик вазни 375-430 кг, ўртача кунлик ўсиш 950 г	Ширали озуқалар	1100	220	275	2530	15,4
	Дағал озуқа	273	120	227	1835	27,6
	Пахта-шелухаси	340	"5	239	1564	4,3

	Концентрат озуқалар	361	325	307	3610	36,0
III-фаза (якуний қисм) 60 кун						
430-490 кг, ўртача кунлик ўсиш 1000 г	Ширали озуқалар	1100	220	275	2530	15,4
	Пахта шелухаси	614	135	522	2824	7,8
	Концентрат озуқалар	450	450	383	4500	45,0
Жами:			1860	2668	23180	188,5

Манба: Профессор У.Н.Носиров маълумотлари (2011).

Бўрдоқлашнинг I-fazасида озуқаларнинг 315 озуқа бирлиги (390 кг қуруқ, модда) тўйимлигида уларнинг 38 фоизини ширали, 19 фоизини дағал, 43 фоизини концентрат озуқалар ташкил этади. Моллар кучли озуқаларни купрок хазм қилишга ургатиб борилади. II-фазада рационга пахта шелухаси киритилади ва концентрат озуқалар миқдори оширилади. Озуқаларнинг тўйимлиги 740 озуқа бирлигида ўртача кунлик таъминоти 12,3 ни ташкил этади. 1 килограмм семиришига 13,5 озуқа бирлиги, 20 кг қуруқ модда, 173 мДж алмашинувчи энергия ва 1,5 кг хазмланувчи протеин сарфлаш мулжалланади. Концентрат озуқалар салмоги 44 фоизга етказилади. Пахта шелухаси тўйимлиги бўйича 10 фоизда киритилади.

III-фазада концентрат ва ширали озуқалар ҳамда пахта шелухасидан самарали фойдаланиш ҳисобидан молларнинг ўртача кунлик семириши 1000 граммга оширилади. Озуқалар молларга беришдан олдин қайта ишланади (майдаланади, янчилади, аралаштирилади, ош тузи ва бошқа қўшимчалар қўшилиб омехта қилинади) унинг таъми яхшиланиб, енгил хазм бўлишига эришилади. Рациондаги концентрат озуқалар (омехта ем, шрот за маккажухори ёрмаси) миқдори 56 фоизга кўтарилади. Ширали озуқалар 27 ва пахта шелухаси 17 фоизни ташкил этади. Жами бўлиб 805 ёки ҳар куни ўртача 3,5 озуқа бирлиги сарфланади. Кунлик рационда 18 кг ширали, 10 кг пахта шелухаси ва 75 кг концентрат озуқалар берилади.

Бўрдоқлаш даврида (150 кунда) сарфланадиган озуқалар тўйимлиги 1860 озуқа бирлиги, 2668 кг қуруқ модда, 23 180 мДж алмашинувчи энергия ва

188,5 кг хазмланувчи протеинни ташкил этади. Уларнинг мутлоқ вазн ўсиши 140 килограмм (ўртача кунлик 933 г) ва унинг 1 килограммига сарфланадиган озуқа бирлиги 13,3 га тенг.

Ҳар бир туманда қорамолларни бўрдоқилашни ихтисослаштириш ва концентрациялаш гўштчилик фермер хўжаликлари ёки корхоналарини ташкил қилиш асосида амалга оширилади. 1000 бош ёш молларни парвариш килувчи хўжаликларнинг йиллик гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 340-350 тоннани ва молларни гўштга топшириш вазни 480-500 килограммни ташкил этади.

3.5. “Улуғбек-Ойбек” МЧЖ да буқачаларни бўрдоқилашда ҳар хил технологияни қўллаш

Қорамол гўшти ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси, якуний сўқимланиш даврида ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича максимал генетик салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган бўлиши бугунги кун талаби ҳисобланади. Шунинг учун ҳам якуний сўқимлаш жараёни, қорамол гўшти ишлаб чиқариш технологиясининг муҳим таркибий қисмидир.

Биз, ўз изланишларимизда буқачаларни 140 кун давомида якуний сўқимлашни самарадорлигини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Тажриба қора-ола зотли ва шу зотнинг сигирларини, голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли буқачаларда ташкил қилнди (16-жадвал).

16 жадвал

Тажриба тасвири

Гуруҳлар	Буқачаларнинг зоти	Сони, <i>n</i>	Озиқлантириш шароити	Асраш шароити
I	Соф зотли қора-ола	10	Жадал	Бинода боғламасдан
II	Соф зотли қора-ола	10	Жадал	15-18 ойилигигача боғламасдан, 18 ойлигидан 19,5 боғлаб боқиш
III	Соф зотли қора-ола	10	жадал	15 ойлигидан 19,5 ойилигигача бинода боғлаб боқиш.

Манба: Хусусий тадқиқот услубиятидан.

Тажрибадаги ҳайвонлар фермер хўжалиги шароитида 15 ойлигигача ўртача, 450 кун давомида ўстирилган ва парваришланган.

Букачаларга асосан хўжаликнинг ўзида етиштирилган озуқалар берилган бўлиб, уларни рационни маккажўхори силоси, сенаж каби ширали, беда пичани, пахта шелухаси каби дағал озуқалардан ва маккажўхори, буғдой ярмасидан иборат омухта ем сингари озуқалардан ташкил топган (17-жадвал).

**Тажрибадаги ҳайвонларга сарфланган озуқалар миқдори, кг
(ўртача 1 бошга)**

Озуқа тури	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
Макажўхори силоси	1200	1220	1232
Сенаж	700	710	709
Беда пичани	186	195	190
Пахта шелухаси	360	360	360
Омухта ем	630	630	630
Ош тузи	5,0	5,0	5,0
Озуқалар тўйимлилиги: Озуқа бирлиги	1182,9	1196,1	1194,6
Хазмланувчи протеин	115,2	116,1	116,0

Манба: Хусусий тадқиқот натижаларидан.

Жадвал маълумотларининг тахлили шундан далолат берганки, тажрибадаги ҳайвонларга сарфланган озуқаларнинг салмоғи ҳам, тўйимлилик даражаси ҳам бир хил бўлмаган. Энг кам озуқани I гуруҳ ҳайвонлари истеъмол қилган бўлса, энг кўп озуқа III гуруҳ буқачалари томонидан истеъмол қилинган.

Бу кўрсаткич бўйича II гуруҳ ҳайвонлари оралиқ ўринни эгаллаган. Рацион таркибида омухта ем бир меъёрга, яъни ўзгартирилмасдан берилган гуруҳларнинг, истеъмол қилган озуқасининг умумий тўйимлилиги ўртача 1191,2 кг озуқа бирлигига тенг бўлган. Хазмланувчи протеин миқдори эса 115,8 кг ни ташкил қилган. Демак 1 кг озуқа бирлигига 99,7 грамм хазмланувчи протеин тўғри келган.

Маълумки, рацион таркибидаги озуқалар турининг миқдори ва тўйимлилиги, ҳайвонларни озуқани истеъмол қилиш хусусияти учун

муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз ушбу кўрсаткични ўрганиб қуйидаги 18- жадвалда келтирдик.

18- жадвал маълумотларини таҳлили истеъмол қилинган озуқанинг асосий қисмини ширали ва кучли озуқалар ташкил қилганлигини кўрсатди.

Агар, истеъмол қилинган озуқанинг таркибини гуруҳлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, I гуруҳ буқачалари ўртача 492,2 кг (42,8%) озуқа бирлигига тенг ширали озуқалар, 194,3 кг (16,9%) озуқа бирлигига тенг дағал озуқалар ва 462,9 кг (40,3 %) озуқа бирлигига тенг кучли озуқалар истеъмол қилишган.

18- жадвал

Истеъмол қилинган озуқаларнинг тўйимлилиги бўйича таркиби

Гуруҳлар	Озуқалар тури							
	Ширали озиқалар		Дағал озиқалар		Омухта ем		Жами	
	Озуқа бирлиги, кг	%	Озуқа бирлиги, кг	%	Озуқа бирлиги, кг	%	Озуқа бирлиги, кг	%
I	485,0	41,0	193,9	16,4	504,0	42,6	1182,4	100,0
II	493,5	41,3	198,6	16,6	504,0	42,1	1196,1	100,0
III	494,6	41,4	196,0	16,4	504,0	42,2	1194,6	100,0

Манба: Хусусий тадқиқот натижаларидан.

Бошқача қилиб айтганда, I гуруҳ ҳайвонлари ўз тенгқурлари II ва III гуруҳга нисбатан 6,8 кг (0,2%) ва 13,0 кг (0,4%) озуқа бирлигига тенг ширали озуқаларни кам истеъмол қилишган. Омухта ем кўрсаткичи бўйича, бу фарқ сезиларли даражада бўлмаган. Жами истеъмол қилинган озуқа бирлиги бўйича ишончли даражада гуруҳлараро фарқ кузатилган.

Шундай қилиб, генетик келиб чиқиши бир хил бўлган, буқачаларнинг бўрдоқиланиш жараёнида омухта-ем миқдори ва деярли бир хил бўлган. Якуний сўқимланиш даврида бинода боғлаб боқилган ҳайвонлар ўз тенгқурларига нисбатан ижобий кўрсаткичга эришишган.

Букачаларнинг ўсиш кўрсаткичлари ва бўрдоқиланиш хусусиятлари

Тажрибадаги букачалар якуний сўқимланиш даврига қадар, яъни 15 ойлигигача хўжалик шароитига жорий қилинган озиклантириш ва асраш технологияси асосида ўстирилган ва парваришланган. Уларнинг 15 ойликдаги тирик вазни I гуруҳда ўртача 304,5 кг, II-да 324,5 кг ва III- да 340,0 кг ни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, I – гуруҳ букачалари ўз тенгкурлари II ва III-гуруҳ букачаларидан ўсиш бўйича тегишли равишда 19,9 кг ($p<0,05$) ёки 6,5 % ва 32,5 кг ($p<0,01$) ёки 10,6 % орқада қолишган. Бу кўрсаткич бўйича II – III гуруҳлар фарқи охиригиси фойдасига 12,6 кг ($p<0,05$) ёки 3,9 % га тенг бўлган. (20-жадвал). 20-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 140 кунлик якуний сўқимланишдан сўнг I гуруҳ букачаларининг тирик вазни 415,6 кг ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич II ва III гуруҳда тегишлича 440,4 ва 458,1 кг га тенг бўлган.

19 -жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг ўсиш кўрсаткичлари ($X \pm S_x$)

Кўрсаткичлар	I	II	III
Тажриба бошидаги тирик вазн, кг	304,5±2,8	324,5±4,1	340,1±3,9
Тажриба охиридаги тирик вазн, кг	415,6±4,8	440,4±3,7	458,1±5,1
Олинган қўшимча тирик вазн, кг	111,1±4,1	115,9±4,8	118,0±5,6
Нисбий ўсиш, %	36,5±1,4	35,7±2,8	34,7±3,8
Ўртача бир кунлик ўсиш. г	926±6,1	966±4,1	983±7,2
Ўсиш коэффициенти	1,36	1,36	1,35
1 кг тирик вазн учун сарфланган озуқа, кг озуқа бирлиги	10,65	10,32	10,12

Манба: Хусусий тадқиқот натижаларидан.

Демак якуний сўқимланиш давомида ҳам III гуруҳ букачалари жадал ўсишган ва тирик вазн I гуруҳ букачаларида ўртача 111,1 кг бўлган бўлса, бу

кўрсаткич II ва III гуруҳларда шунга мос равишда 115,9 ва 118,0 кг ни ташкил қилган.

Бу кўрсаткич бўйича бўйича I – II, I – III ва II – III гуруҳларнинг фарқи охиргилари фойдасига шунга мос равишда: 4,8 кг ($p>0,05$), 6,9 кг ($p<0,05$) ва 2,1 кг ($p>0,05$) га тенг бўлган. Ўртача бир кунлик ўсиш бўйича ҳам сезиларли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланган (I-795, II-828, III-843 грамм).

Ўсиш коэффиценти гуруҳларда шунга мос равишда 1,36: 1,36 ва 1,35 ни ташкил қилган, Бўрдоқиланиш жараёнининг самарадорлигини белгилайдиган асосий кўрсаткич, ҳайвонларни истеъмол қилган озуқасини маҳсулот бирлиги билан қоплаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз 1 кг қўшимча тирик вазн учун сарфланган озуқа миқдорини аниқладик. Бу кўрсаткич I гуруҳда ўртача 10,60 кг озуқа бирлигига тенг. Улар II ва III гуруҳлардаги ҳайвонларга нисбатан тегишлича 0,22 (9,5 %) ва 0,50 (4,9 %) кг озуқа бирлигини кўп сарфлашган

Демак якуний сўқимланиш даврида боғлаб боқимш технологияси жорий қилинса буқачаларда бўрдоқиланиш хусусияти юқори бўлар экан.

Шундай қилиб, бўрдоқиланиш жараёнида бинода боғлаб боқилган буқачалар, жадал ўсган. Чунки улар кўп безовта бўлишмаган. Истеъмол қилган озиқасини тирик вазн билан қоплаш хусусияти ҳам юқори бўлган.

3.6. Тажрибадаги буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари

20-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатганки, 24 соат давомида оч сақланган I гуруҳ буқачаларининг сўйишдан олдинги тирик вазни ўртача 410,3 кг ни ташкил қилган, бу эса ўз тенгқурлари II гуруҳдан (435,5 кг) 23,7 кг ($p>0,05$) ёки 5,8 фоиз ва III гуруҳдан (453,7) эса 37,9 кг ($p>0,01$) ёки 9,3% камдир. Бу кўрсаткич бўйича, II-III гуруҳлар фарқи охиргиси фойдасига 14,2 кг ($p>0,05$) ёки 3,3 фоизга тенг бўлган.

Шунга мутаносиб равишда нимталанмаган гўшт оғирлиги бўйича ҳам фарқ аниқланган. I гуруҳ буқачаларининг нимталанмаган гўштининг

миқдори ўртача 226,9 кг ни ташкил этган. Бу кўрсаткич II ва III гуруҳлардаги ҳайвонларда 240,8 ва 254,1 кг бўлган. Кўриниб турибдики III гуруҳ ҳайвонлари ўз тенгқурлари I ва II гуруҳдан, тегишли равишда 27,2 кг ($p<0,01$) ёки 12,0 фоиз ва 13,3 кг ($p<0,05$) ёки 5,5 фоиз юқори кўрсаткичга эришган. I ва II гуруҳ орасидаги фарқ охиригиси фойдасига 13,9 кг ($p<0,05$) ёки 6,1 фиозни ташкил қилган.

20-жадвал

Буқачаларнинг сўйим кўрсааткичлари ($X \pm Sx$)

Кўрсаткичлар	I	II	III
Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	410,3 $\pm$ 25,1	435,5 $\pm$ 4,1	453,0 $\pm$ 5,6
Нимталанмаган гўштоғирлиги, кг	226,9 $\pm$ 4,8	240,8 $\pm$ 2,7	254,1 $\pm$ 3,1
Ички ёғ оғирлиги, кг	12,7 $\pm$ 0,1	13,9 $\pm$ 0,4	13,6 $\pm$ 0,1
Сўйим оғирлиги, кг	239,6 $\pm$ 4,1	254,7 $\pm$ 2,1	267,7 $\pm$ 3,4
Нимталанмаган гўшт чиқими, %	55,3	55,3	56,1
Ички ёғ чиқими, %	3,1	3,2	3,0
Сўйим чиқими, %	58,4	58,5	59,1
Тери оғилиги, кг	32,1 $\pm$ 0,9	29,7 $\pm$ 0,5	31,8 $\pm$ 0,6
Тери чиқими, %	7,8	6,8	7,0

Манба: Хусусий тадқиқот натижаларидан.

Ички ёғ кўрсаткичи I гуруҳ ҳайвонларда ўртача 12,7 кг бўлиб, ўз тенгқурларидан 1,2 кг ($p<0,05$) ёки 9,4 фоиз орқада қолишган. Сўйим оғирлиги гуруҳларда тегишли равишда 239,6; 254,7 ва 267,7 кг ни ташкил қилган.

Бунда I-II, I-III ва II-III оралиғидаги фарқ охиргилари фойдасига тегишли тарзда: 3,8 кг ($p>0,05$) ёки 1,6 фоиз; 29,1 кг ёки 11,7 фоиз ва 13,0 кг ($p<0,05$) ёки 5,1 фоизга тенг бўлган.

Демак сўйим кўрсаткичларининг мутлоқ кўрсаткичи бўйича, чатишма букачалар (II-III гуруҳ) ўз тенгқурлари соф зотлидан (I гуруҳ) анча устун бўлишган. Бу фикрни терининг оғирлиги тўғрисида ҳам билдириш мумкин. Аниқроғи I гуруҳ ҳайвонларининг терисининг оғирлиги ўртача 30,2 кг бўлиб, ўз тенгқурлари II (31,5 кг) ва III (31,4 кг) гуруҳлардан тегишли равишда: 0,8 кг (2,6%) ва 0,7 кг (2,3%) орқада қолганлигини характерлайди.

Сўйимнинг нисбий кўрсаткичлари, хусусан нимталанмаган гўшт, ички ёғ, сўйим ва тери чиқими гуруҳларда ўртача шунга мос равишда 55,1; 55,1; 55,9; 3,1; 3,2; 3,1, 57,3; 58,3; 59,0 ва 7,5; 7,3; 7,0 % ни ташкил қилган. Рақамлардан шундай хулоса қилса бўладики, бу кўрсаткичлар бўйича ҳам унча катта бўлмасада гуруҳлараро фарқ аниқланган.

Букачаларнинг сўйим чиқимиға, аввало уларни озиқлантириш ва сақлаш технологияси ҳамда семизлик даражаси таъсир кўрсатади.

Нимталанмаган гўшт, ички ёғ, сўйим оғирлиги ва тери оғирлигининг сўйимдан олдинги тирик вазнга бўлган нисбати, яъни уларнинг нисбий кўрсаткичлари бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ аниқланган.

Шундай қилиб, сўйимнинг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларига фенотипик яъни асраш ҳамда озиқлантириш шароити таъсир қилган. Бунда сўқимланиш давомида бинода боғлаб боқилган букачалар ижобий натижаларга эришишган.

3.7. Букачаларни истеъмол қилган озиқасини маҳсулот бирлиги билан қоплаш хусусиятлари

Зоотехния амалиётида ҳайвонларни танлашда ва уларга маҳсулдорлиги бўйича баҳо беришда эътиборга олинадиган асосий кўрсаткичлардан бири ҳайвонларни истеъмол қилган озиқасини маҳсулот бирлиги билан қоплаш хусусияти ҳисобланади. Чунки ўтказилган илмий тадқиқот ишлари натижаларидан (Ш.А.Акмальхонов, 1993, М.Э.Аширов, 1994, И.Мақсудов,

1994, У.Носиров, 2001, 2003, 2008, А.Қахаров, 1994, 2005, 2007, 2010) шу нараса аниқки айрим хайвонлар гуруҳи кам озиқа истеъмол қилиб, кўп маҳсулот беради, айримлари унинг тескараси, кўп озиқа истеъмол қилиб, кам маҳсулот беради. Бу эса бундай хайвонларни истеъмол қилган озиқасини маҳсулот бирлиги билан қоплаш хусусияти пастлигини характерлайди.

Агарда хайвонни озиқага ҳақ тўлаш хусусияти яхши бўлмаса олинган маҳсулотни иқтисодий самарадорлиги паст бўлади. Шунинг учун ҳам мутахассислар хайвонларнинг бу хусусиятига алоҳида эътибор қаратишади.

Бизнинг тажрибамиздаги хайвонларни озиқага ҳақ тўлаш тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 21-жадвалда келтирилган. Жадвалдаги рақамий кўрсаткичларни таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкинки, тажриба бошидаги тирик вазн бўйича фарқ, III гуруҳ буқачалари фойдасига тегишлича 19,9 кг ёки 6,5 фоиз ва 32,5 кг ёки 10,6 фоизга тенг бўлган. Тажриба охирига келиб, бу фарқ шунга мос равишда 23,4 кг ёки 5,7 фоиз ва 38,5 кг ёки 9,3 фоизга тенг.

21-жадвал

Тажрибадаги буқачаларни озиқага ҳақ тўлаш хусусияти

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Тажриба бошидаги тирик вазн, кг	304,5	324,5	340,1
Тажриба охиридаги тирик вазн, кг	415,6	440,4	468,1
Олинган қўшимча тирик вазн, кг	111,1	115,2	128,0
Тажриба давомийлиги, кун	140	140	140
Ўртача бир кунлик ўсиш, г	794	828	934
Тажриба давомида сарфланган озуқа бирлиги	1149,5	1160,5	1168,3
1 кг тирик вазн учун сарфланган озиқа бирлиги, кг	10,34	10,01	9,13

Манба: Хусусий тадқиқот натижаларидан.

Тажриба давомида олинган қўшимча тирик вазн бўйича ҳам, III гуруҳдаги буқачалар ўз тенгқурлари I ва II гуруҳлардаги буқачаларни мутаносиб равишда 4,8 кг ёки 1,5 фоиз ва 6,9 кг ёки 6,2 фоиз орқада қолдиришган. Ўртача бир кунлик ўсиш бўйича ҳам III гуруҳ буқачалари устунлик қилиб, I гуруҳдаги буқачаларга нисбатан 44 грамм ёки 5,5 фоиз ва II гуруҳдаги буқачаларга қараганда эса 15 грамм ёки 1,8 фоиз юқори кўрсаткичга эришишган.

140 кун давом этган якуний сўқимланиш даврида, тажрибадаги ҳайвонлар жадаллаштирилган рацион асосида озиклантирилган. Уларнинг умумий тўйимлилиги I гуруҳда 1149,4 кг озуқа бирлигига тенг бўлган. Озуқанинг умумий тўйимлилиги бўйича, I гуруҳ буқачалари ўз тенгқурлари II ва III гуруҳдаги буқачалардан тегишлича 11,1 кг ёки 9,7 фоиз ва 7,8 кг ёки 6,7 фоиз орқада қолишган. Лекин 1 кг қўшимча тирик вазн учун, I гуруҳ ҳайвонлари ўз тенгқурлари II ва III гуруҳларга нисбатан, шунга мос равишда 0,50 кг ёки 4,8 фоиз ва 0,66 кг ёки 6,4 фоиз кўп озиқа сарфлашган.

Шундай қилиб, таҳлилдан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар хил технологик шароитда бўрдоқиланган буқачаларнинг истеъмол қилган озиқасин тирик вазн билан қоплаш хусусияти талаб даражасида экан.

3.8. Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги

Тадқиқотлар натижаларини генотипик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, чатишма ҳайвонларни бўрдоқига жадал усулда боқиш самарали эканлигини кузатамиз. Фикрларимизнинг далили учун 13-жадвал маълумотларига мурожат қиламиз. Кўриниб турибдики, I гуруҳ буқачаларни 1 бошига кетган жами харажат ўртача 821,1 минг сўмга тенг бўлган, бу эса уларнинг тенгқурлари II ва III гуруҳлардаги ҳайвонлардан тегишлича 328,0 ва 15,1 минг сўм камдир. Бу фарқ асосан истеъмол қилинган озуқаларга кетган харажат ҳисобидан бўлган. Бунинг исботи сифатида озуқага кетган

харажатларни гуруҳларда шунга мос равишда 574,8; 580,3; 384,2 минг сўм бўлганлигини келтириш мумкин.

Озуқа харажати шубҳасиз, 1 ц тирик вазннинг таннархига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам бу кўрсаткич I гуруҳ ҳайвонларида 739,1 минг сўмни ташкил қилган, ёки бўлмаса ўз тенгқурлари II гуруҳдан 25,8 (3,5 %) ва III гуруҳдан 31,8 (4,5 %) минг сўмга юқори бўлган. Хўжалик 1 ц тирик вазни 9000,0 сўмга сотган, шунинг учун ҳам 1 ц тирик вазннинг харид нархи 900,0 минг сўмга тенг бўлган.

Бир бош ҳайвонни сотишдан олинган соф фойда бўйича I-II, I-III ва II-III гуруҳлар орасидаги фарқ охиригилари фойдасига мутаносиб тарзда 5,3 (19,8 %), 138,6 (77,5 %) ва 103,4 (48,3 %) минг сўмни ташкил этган.

22-жадвал

Ўтказилган тажрибанинг иқтисодий кўрсаткичлари,
(ўртача бир бошга)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Қилинган жами харажатлар, минг сўм	821,1	829,1	834,6
Шу жумладан: озуқа харажати, минг сўм	574,8	580,3	584,2
1 ц тирик вазннинг таннархи, минг сўм	739,1	715,4	707,3
1 ц тирик вазннинг харид нархи, минг сўм	900,0	900,0	900,0
Бир бош ҳайвонни сотишдан олинган ялпи даромад, минг сўм	999,9	1043,1	1152,0
Олинган соф фойда, минг сўм	178,8	214,0	317,4
Самарадорлик даражаси, %	21,8	25,8	38,0

Манба: Хусусий тадқиқот натижаларидан.

Тажрибанинг рентабиллик даражаси шунга мос равишда гуруҳларда 21,8; 25,8; 38,0 фоизни ташкил қилган.

4. ТУМАНДА ИХТИСОСЛАШГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамалакатда бошқа қишлоқ хўжалик тармоқлари каби чорвачилик тармоғини ҳам бозор иқтисодиёти шаройида барқарор ривожлантириш субъекти етиб, фермер хўжалиги танланган. Бугунги кунда Республика бўйича 81 минга яқин фермер хўжалиги мақомини олган хўжаликлар рўйхатга олинган. Шундан 41 мингдан ортиғи ёки 51,0 фоизи пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган. Бу кўрсаткич Пастдарғом туманида 288 та ёки жами фермер хўжаликларини 66,5 фоизини ташкил қилган. Демак Республика кўрсаткичларидан 16,5 фоиз ортиқ. 22 мингдан кўпроғи боғдорчиликка ва узумчиликка ихтисослашган, бу 27,2 фоизга тенгдир.

23 – жадвал

Республикада чорва моллари бош сони
(2012 йил 1 январ ҳолати бўйича)

Ҳайвонлар тури	Хўжалик тоифалари			
	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжалик-лари	Деҳқон хўжалик-лари	Қишлоқ хўжалик корхоналари
Қорамоллар, минг бош	9642,5	507,2	9033,8	101,5
%	100,0	5,3	93,7	1,0
Шу жумладан сигирлар, минг бош	3878,2	174,0	3672,1	32,1
%	100,0	4,6	94,6	0,8
Қўй ва ечкилар, минг бош	16187,1	1203,3	13035,8	1948,0
%	100,0	7,5	79,2	13,3
Отлар, минг бош	195,2	18,2	183,9	12,4
%	100,0	9,3	84	6,7
Паррандалар, минг бош	42731,2	4974,2	25771,3	11985,7
%	100,0	11,6	60,3	28,1

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотлари.

Пастдарғом туманида бу кўрсаткич 85 та ёки жами фермер хўжаликларини 19,6 фоизини ташкил қилган. Бу еса Мамалакат миқёсидаги

кўрсаткичдан 7,6 фоиз камдир. 4 мингдаси (4,9 фоиз) сабзаёт ва поллизчиликка ихтисослашган. 6,0 мингдан ортиқроғи чорвачиликка ихтисослашган бўлиб 7,4 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич Пастдарғом туманида 47 та ёки жами фермер хўжаликларни 10,9 фоизига тенг, бу еса Республика кўрсаткичидан 3,5 фоиз кўпдир. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, туманддаги қорамолчилиikka ихтисослашган фермер хўжаликларининг улуши Мамалакат кўрсаткичидан анча паст. Буни биз 17-жадвал маълумотларидан ҳам билсак бўлади.

Республикам бўйича қорамолнинг жами бош сонини 5,3 фоизини, сигирларни 4,5 фоизини, қўй ва ечкиларни 7,4 фоизини, отларни 9,3 фоизини ва паррандаларни 11,6 фоизини фермер хўжаликлари ташкил қилган. Бу кўрсаткич Пастдарғом туманида шунга мос равишда: 4,1; 4,0; 4,4; 7,8 ва 7,6 фоизга тенг бўлган. Шу рақамларни тахлили шундан далолат берганки, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш асоси бўлган ҳайвонлар бош сонининг фермер хўжаликларидаги улуши Мамалакат миқёсида ҳам талаб даражасида емас. Пастдарғом туманида эса ундан ҳам паст.

Фарқ мутаносиб равишда: 1,4; 0,6; 2,9; 2,0 ва 2,9 фоизни ташкил қилган. Демак, фермер хўжаликларини ташкил қилишда, уларни субъект сифатида шакиллантиришда ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ниҳоят ижтимоий камчиликларга йўл қўйилган. Буни тўғрилаш еса замон талабидир.

Фермер хўжалигини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартарф қилиш. Чорвачилик тарақиётини таъминлаш наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ. Бу борада хўжаликларда наслдор сигирлар салмоғини 50 фоизга кўтариш ва ҳар 100 бош сигирдан 25 - 30 бошдан ғунажин бўлиши лозим.

Наслли моллар етиштирувчи хўжаликларни моддий рағбарлантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб сотилган ҳар бош насли қорамол учун давлат ресурсларидан 1500 кг омухта ем ва 500 кг дан пахта шроти ҳар бир қуй ва ечки учун 200 кг дан омухта ем ажратиб берилиоқда. Бу наслчилик

билан шугуланувчи хўжаликни давлат томонидан куллаб-куватлаш ва наслчилик ишини олиб боришга рағбатлантириш учун куйилган кадамдир.

Бугунги кунда кўпчилик хўжаликлар ва фермерлар наслдор моллар подаларини уз хисобларидан тулдиришни уддалай олишмаяпти. Наслдор молларни танлаш ва парваришлаш билан шуғуланадиган ҳамда махсус наслчилик хўжаликлари учун зоотехник селекционерларимиз камайиб бормокда. Қатор хўжаликларда ва туманларда бу матахасислик ўрни кискартирилиб юборилган. Шунинг учун унитмаслик керакки ҳеч ким муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди. Имкониятлар доирасида селекция наслчилик ишларини омолоштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар кўргазмаларини ташкил этиш “ким ошди” савдолари ўтказиш, хўжаликлар ва фермер хўжаликлари ўртасида танловлар ташкил этиш каби тадбирларни кенг йўлга қуйиш лозим.

Афсуски молларни зоти ва наслдорлиги бирмунча яхшиланишига қарамай уларнинг махсулдорлиги йил сайин пасайиб бормокда. Шу соҳа олимларининг фикрича (Ш.Акмалхонов 1993, У.Носиров 1974, 2001, 2008, П.Собиров 1990, 2005, А.Қаҳаров 1994, 2008, 2010, 2011, Б.Абдалниёзов 1999, 2011) ҳайвонларнинг ирсий махсулдорлик хусусиятларидан атиги 50 - 60 фоиз фойдаланаяпти ҳолос.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг бош омили – озуқадир. Тармоқдаги колокликларнинг сабабларидан бири озуқаларнинг сифацизлиги ва озуқабоп екин майдонларидан унумли фойдалан билмасликдир. Кейинги йилларда озуқабоп екинларнинг нафакат майдони балки ҳосилдорлиги ҳам камайиб гектаридан олинаётган ҳосилдорлик 4 тонна озуқа бирлигини ҳам ташкил етмаяпти. Ширали озуқа яъни маккажухори ва лавлаги ҳамда беда майдонлари камайиб бормокда ваҳоланки бу охзуқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари рационининг асосини ташкил этади. Туйимли озуқа хисобланган омухта емининг йил сайин бир неча баробар камайиб кетиши сифатининг пастлиги чорва моллари махсулдорлигига ута салбий таъсир қўлатмоқда.

Натижада кормолчилик, куйчилик, йилкичилик тармоклари кўплаб гўшт ва сут маҳсулотлари айникса асосан омухта ем ишлатиладиган паррандачилик соҳаси миллионлаб дона тухум ва гўшт ишлаб чиқаришдан махрум бўляпти. Сифатсиз тайёрланган омухта емни сотиб олиш учун сарфланган маблағлар қишлоқ хўжаликлари корхоналари фермерлар кўраётган моддий зарарнинг асосий қисмини ташкил етмоқда.

Умуман олганда чорачилик учун пахта шроти ва шелуха етказиб берадиган ёғ мой камбинатлари ва хайвонларнинг ёши ҳамда турларини ҳисобга олиб турли сифатдаги омухта ем ишлаб чиқариб берадиган комбинатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини давлат стандартига мос келишини тахлилий назорат лабораториялари бевосита тартибга келтириши талаб етилади.

Ендиликда озуқабоп екинларнинг сифатли уруглари топиш ҳам муаммо бўлиб қоляпти. Шунинг учун республиканинг ҳар бир ҳудудида уругчилик хўжалиги ёки бригадалари ташкил етиш уларга зарур миқдорда ер майдони ажратиб бериши керак. Кейинги пайтларда озуқабоп екинларга ишлов бериш, ўриш, йиғиш техникалари етишмаслиги сабабли тайёрланган озуқаларнинг кўп қисми нобуд бўлиб, сифациз жамғарилмоқда. Чорвачиликдаги механизасия муаммоларини ҳал етиш учун республиканинг ўзида озуқабоп екинлар ҳосилини ўриб йиғиб олишга мосланган техникаларни ишлаб чиқариш масаласини ҳал қилиш лозим.

Чорвачиликни ривожлантиришда олимларимиз кўп киррали илмий ютуқларни амалда исботлаб ишлаб чиқаришга тақдим етишмоқда. Селекционер олимларимиз чорвадорлар билан ҳамкорликда серсут ва гўшtdор қорамолларнинг, қўй ва ечкиларнинг паррандаларнинг гуруҳлари ва турларини яратиш усулларини кўрсатиб беришган. Жумладан қорамолларни йил давомида бир хил типда озуклантириш улардан олинадиган маҳсулотларнинг кўп марта амалда кўрсатди. Шунингдек сигирлар махсулдорлиг 17 % га бузоқ ва новвосларнинг ўсиш даражаси 50 % гача

кўпайганлиги ҳамда кўшимча 1,5 - 2 марта беда ўриш мумкинлигинин илмий изланишлар тўла исботлаб берди.

Кейинги йилларда аҳолини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда қорамолчилик фермалари бурдоқчилик базалари ва пррандачилик комплекслари билан бир қаторда фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ҳисса кўшмоқда. Ўзбекистон Президентининг фермер хўжаликларини янада мустахкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат юли билан қўллаб-қуватлаш тўғрисидаги Фармонида «лаббай» деб жавоб берётган омилкор фермерлар гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотишни кун сайин кўпайтиришяпти.

Бугунги кунда фаолият курсатаётган 81,0 мингта фермер хўжаликлари тасарруфида 1,2 миллион гектардан ортиқ ер майдони бўлиб, 10 йилдан 50 йилгача муддатли ижарага берилган. Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят, туман вакиллариининг рахбар ва мутахассислари томонидан фермер хўжаликлари ўртасида олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаларидан шу нарса кўринмоқдаки фермерлар ерни узок муддатга ижарага берилишидан рози. Чунки, фермер хўжаликлари рахбарликларида ер сотилмаётганлиги балки ижарага берилаётганлиги, бу хусусий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимига утиш даври талаблари еканлигини еътироф етишмоқда. Лекин бу жабхада бошқа муаммолар келиб чикаётир.

Ер берувчи сифатида қишлоқ хўжалиги копративлари (ширкатлар уюшмалари) нинг намоён булиши айрим холларда фермер хўжаликлари фаолиятига ўринсиз аралашувлар, етиштирилган маҳсулотларни мустакил реализасия қилиш, тўғрида - тўғри тайёрлов идораларига ёки бошқа истеъмолчилар билан шартномалар тузишда тускинлик келиб чикаётир. Натижада фермер хўжаликлари ривожланиши сусаймоқда.

Фермер хўжаликларида ерни узок муддатли ижарага берилиши бугунги давр учун маъкул усул. Лекин ерни қишлоқ хўжалиги коперативлари (ширкатлар уюшмалари) оркали емас, балки тўғридан - тўғри хокимликлар

қошидаги ер қўмиталари орқали узоқ муддатли ижарага берилса мақсадга мувофиқ бўлар еди. Бунда фермер хўжаликлари ўринсиз тўсиқлардан тезроқ холос бўлиб, ривожланиш йўлига ўтиб олади.

Худудий вакиллари қошидаги фаолият курсатаётган кооперативлар, асосан, деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштираётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, саклаш, сотиш ва экспорт қилиш билан, шунингдек ажратилган моддий ресурсларни фермер хўжаликларига етказиб бериш билан шугулланишмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилги 168 сонли қарори талабларига асосан мазкур кооперативлар юқоридаги фаолиятдан ташқари техникадан биргаликда фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, омухта озуқа ишлаб чиқариш, моддий ресурслар билан таъминлаш борасида ҳам фаолият курсатишлари зарур. Бунинг учун фермерлар, деҳқонлар ва бошқа шахсларнинг маблағларидан тижорат асосларида, шунингдек, банк кредитларидан фойдаланиб, узларининг айланма сармояларини шакллантириш кузда тутилган.

4.1. Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг ўрни

Маълумки, инсон организмида нормал биологик, физиологик ва биёкимёвий жараёнлар кечиши учун, бир йилда ўртача 80- 84 кг гўшт ва гўшт маҳсулотларини 300- 315 кг сут ва сут маҳсулотларини, 217 – 220 дона тухум, 19 кг балиқ ва 9 кг асал истеъмол қилиши лозим. Акс ҳолда организмдаги хужайра ва тўқмалар талаб даражасида фаолият кўрсата олмайди, натижада организм холсизланиб ҳар хил касалликлар учун қулай манба бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз И.А.Каримов чорвачилик тармоғини барқарор ривожлантириш муҳим еканлигини, бу жараён нафақат ташкилий, балки ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик еканлигини уқтирмоқда. И.А.Каримов ўзининг “Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш асосан фермер хўжаликлари томонидан амалга

оширилади” деган сўзлари билан чорвачилик тармоғини такомиллаштиришда фермер хўжаликларини ўрнини ҳар томонлама асослаб берган.

2011 йил 1 январ ҳолати бўйича Республикада барча тоифада мавжуд бўлган 9093,7 минг бош қорамолни 501,7 минг боши ёки 5,5 фоизи, шу жумладан 3765,6 минг бош сигирларни 172,6 минг боши ёки 4,6 фоизи, жами 15340,5 минг бош қўй ва ечкиларни 1149,9 минг бошини ёки 7,5 фоизи, жами 187,3 минг бош отларни 18,3 минг бошни ёки 9,8 фоизи, жами 37733,3 бош паррандани 3958,6 минг бош ёки 10,5 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келади. Бундан ташқари 2010 йилда ишлаб чиқарилган 1461399 тонна гўштни, 37854 тоннасини ёки 2,6 фоизини, жами ишлаб чиқилган 6168989 тонна сутни 205000 тоннасини ёки 3,3 фоизини, жами ишлаб чиқарилган 3058 848 минг дона тухумни, 288104 минг донаси ёки 9,4 фоизини, жами 26510 тонна жунни 1715 тоннасини ёки 6,5 фоизини, 934937 дона қорақўл терини 44078 донасини ёки 4,7 фоизини фермер хўжаликлари берган. (16 – жадвал).

Бу кўрсаткичлар Пастдарғом туманида мутаносиб равишда 2,0; 1,1; 7,8; 5,1 ва 4,2 фоизга тенг бўлган. Демак туманда асосий чорвачилик маҳсулотлари деҳқон хўжаликлари ҳисобидан етиштирилган. Кўриниб турибдики, Пастдарғом туманида чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларини улуши, Мамалакат кўрсаткичларидан шунга мос равишда 0,6; 2,2; 1,7; 1,4 ва 0,5 фоиз кам бўлган. Туман чорвадорлири, мутахассислар бундан тўғри хулоса қилиб, йилдан – йилга чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасини ошириб уддалаб келишмоқда.

Буни 14 - жадвал маълумотларидан ҳам билса бўлади. Хусусан 2010 йилда гўшт ишлаб чиқариш 282 тонна ошиғи билан (163,7 фоиз), сут ишлаб чиқариш ҳам 104 тонна ошиғи билан (123,4 фоиз) бажарилган. Рентабеллик даражаси гўшт маҳсулотида 5,3 ва сутда 6,2 фоизни ташкил етган.

Республикада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати
(2011 йил бўйича)

Маҳсулот тури ва хажми	Хўжалик шакллари			
	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжалик- лари	Қишлоқ хўжалик корхоналари
Гўшт (тирик вазнда), тонна	1564198	40986	148578	41634
%	100,0	2,6	95,1	2,3
Сут тонна	6766219	230156	6494578	41485
%	100,0	3,3	96,1	0,6
Тухум, минг дона	3441725	374480	1875497	119748
%	100,0	10,9	54,5	34,6
Жун, тонна	28687	1938	24198	2551
%	100,0	6,8	84,4	8,8
Қорақўл тери, дона	1022336	43378	643637	335324
%	100,0	4,2	63,0	32,5

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотлари.

Шу ўринда, У.Носиров ва бошқалар (2009) томонидан тавсия етилган фермер хўжалиги фаолиятини тахлилини тавсия етамиз, чунки Республикаимизнинг фермер хўжаликларини барқарор ривожланиш даражасига кўра, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик озиқ – овқат маҳсулотларини етиштириш мўллигига еришишда илғор тажриба ва фан ютуқларини фермер хўжаликлари амалиётига жорий етиш долзарб ҳисобланади. Бу борада республика аграр соҳа омиллари ва амалиётчилар ҳамжихат бўлиб, фермер хўжаликлари муаммосига хос бўлган самарали омилларни комплекс мегапроектлар асосида амалга оширишлари улкан истиқболларга замин яратади.

Пахта буғдой етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги екин майдонларининг 50 – 55 фоизида пахта, 30 – 32 фоизида буғдой, 4 - 5 фоизида дон учун маккажўхори, 2-3 фоизида сабзавот, картошка ва полиз екинлари, 10 - 12 фоизида беда (пичан ва маданий яйлов учун) майдонларини жойлаштириш тизими ҳар томонлама самарали бўлади.

Пастдарғом тумани хўжаликларида чорвачилик маҳсулоти ишлаб
чиқариш самарадорлиги (2011 йил ҳолати бўйича)

Кўрсаткичлар	Маҳсулот тури	
	Гўшт	сут
Қилинган ҳаражатлар, минг сўм		
Режада	443	444
Ҳақиқатда	725	548
Фарқи ±	282	104
Олинган даромад, млн сўм		
Режада	467	471
Ҳақиқатда	784	583
Фарқи ±	318	112
Рентабеллик даражаси, %		
Режада	5,3	6,2
Ҳақиқатда	8,2	6,4
Фарқи ±	2,9	0,2

Манба: Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари.

Пахта етиштириш ҳажми (185,0 - 186,0 тонна) сақланган ҳолда буғдой етиштириш ҳажмини (42 тоннадан 176 тоннагача) кескин оширилишида маккажўхори етиштириш 12,9 тоннадан 20 тоннагача, сабзаёт картошка ва полиз маҳсулотлари 76,6 тоннага (383 с/га) етказилди. Чорва озиқалари массаси 284,4 тонна озуқа бирлигига етди. Фермер хўжалиги ва унда хизмат кўрсатаётган жамоа оилалари чорваси ҳар бир шартли мол ҳисобига 26,1 центнердан озуқа бирлиги билан таъминланади. Оралиқ озуқабоп екинларнинг донли сенаж масса ҳосилдорлиги 530 центнерни ёки 186 с озуқа бирлигини ташкил қилди.

Такрорий маккажўхорининг силос массаси ҳосилдорлиги 285 центнерга (51 с озуқа бирлигида) тўғри келади. Чорва моллари қишда сифатли пичан, ёзда маҳсулдор маданий яйлов билан таъминланади. Фермер хўжалиги ва унинг жамоаси оилаларида чорвачилик ривожлантирилди, сут, гўшт ва тухум етиштириш жадаллаштирилди. Фермер хўжалик чорвадори 30 шартли мол (36 та қорамол, 12 қўй ва 75 парранда) ва унинг жамоа оилалари чорваси 79 шартли молга (90 қорамол, 50 қўй ва 300 парранда) етказилди. Уларнинг

махсулдорлиги оширилди. Сигирларнинг сут соғими фермер хўжалиги ва унинг жамоасида тегишлича 2253 ва 2120 кг га, ёш молларнинг кунлик вазни ўсиши 665 ва 498 граммга, гўштга сотилган наввослар вазни 510 ва 558 кг га, бўрдоқиланган қўйлар вазни 95 ва 68 килограмга етказилди. Ҳар 100 бош сигир ҳисобига олинган бузоқлар 94 ва 83 фоизни ташкил қилди. Уларда сут етиштириш миқдори 23,9 ва 65,7 тоннага, гўшт 5,0 ва 11 тоннага, 4,9 ва 27,6 минг донага етказилди. 2010 – 2011 йиллар мобайнида етиштириш ҳажми ва молларнинг махсулдорлиги кўтарилиб борди (18- жадвал).

Дехқончилик учун ноёб ҳисобланган органик ўғитлар захираси фермер хўжалигида 300 тоннани ва унинг жамоа оилалари чорвасида 790 тоннани ташкил етиб, йил давомида екин майдонлари ҳудудларида компост тўплаш жорий етилди. Хўжаликнинг жамоа оилалари билан чорва озуқаларига органик ўғит айрибошлаш ўз самарасини берди. Асосий екин майдонлари 5-10 тонн/ га ҳисобида органик ўғит билан таъминланади.

5. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

Инсоният тарихидан ва ижтимоий ҳаётидан шу нарса аниқки, ҳар қандай тарихий давр ва ҳар қандай аср дунё ҳамжамияти олдида ўзига хос, илгаригиларидан фарқ қиладиган муҳим ва долзарб муаммо ва масалаларнинг кўндаланг қилиб қўяди. Бизнинг ҳаётимизга кериб қелган ХХ1 асрнинг энг муҳим муаммоларидан бири бу екалогик муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммонинг ҳафли оқибатлари тўғрисида олимлар деярли бир асрдан буён жар солиб инсонларни, дунё ҳамжамиятини огоҳ қилиб келган. Шунга қарамасдан ушбу муаммо бугунги кунга келиб, ўзининг салбий оқибатларини кўрсатмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, кўпгина ҳудудларда екалогик ҳолат салбий томонга ўзгарган, натижада иқлим шароити ўзгарувчан бўлган, кўпгина Мамалакат ва ҳудудларда сув захираси камайган, атмосфера ифлосланган, чўлланиш, тупроқ ерозияси, яйловларнинг ўт- ўланларини сийраклашиши,

хайвонот ва ўсимликлар дунёсининг камбағаллашиб кўпгина тур ва популасияларнинг йўқолиши тупроқнинг шўрланиши, ер ости зах сувларининг тупроқ юзасига кўтарилиши, қум кўчиш, сув манбаларида унинг миқдори камайиши, ҳар хил табиий офатлар 2000 - 2011 йилларда Индонезия ва Япониядаги ер zilзиласи, атом энергетик стансияларининг портлаши, ишдан чиқиши (Россия) каби салбий ҳолатлар айнан екалогик ҳолатнинг талаб даражасида емаслигида номоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Орол сувининг камайиши натижасида тузнинг кўпайиши ва уни шамол орқали Мамалакатнинг шимолий ҳудудларида тарқалиб ер унимдорлигига салбий таъсир қилиши, Сурхандарё вилоятининг жанубий ҳудудларида “Афғон шомоли” деб ном олган иссиқ, қум ёғдирадиган тўполонли шамолларнинг йилдан – йилга кўпайиб бориши ва бир нечча кунгача давом етиши, вилоятнинг шимолий туманларида Тожикистон алюмин заводининг заҳарли чиқиндиларидан аҳоли, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсининг азият чекиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши аҳоли яшадиган ҳудуд, туман ва айниқса шаҳарларда табиий ҳолдаги ичимлик сувларининг ифлосланиши ва истеъмолга яроқсизлиги, кўча – куйларни чиқинди ва ахлатлар билан санитария ҳолатини ўзгариши ва бошқалар екалогик ҳолатнинг бузилганлигидан далолат беради. Бу ҳолатни тўғрилаш ва уни яхшилаш учун:

- аҳолининг, айниқса мактаб ўқувчилари, ўрта махсус, касб – ҳунар ва олий ўқув юртлари талабаларини екалогик соводхонлигини ошириш. Бунинг учун екалогия фанини ўқитиш самарадорлигини таъминлаш, ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

- сув манбаларидан унимли фойдаланиш, қуриб бораётган Оролни “тирилтириш” чора – тадбирларини кўриш. Орол билан боғлиқ бўлган екалогик муаммоларни олдини олиш;

- табиатда ёўқолиб браётган ҳайвон ва ўсимлик турлари ва популасияларни сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш, чора тадбирларини кўриш. Бунинг учун махсус ўсимлик ва ҳайвонот боғларини,

қўриқхоналарни ташкил етиш, мавжуд бўлган “Қизил китоб” дан мақсадли фойдаланиш, йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликларни генофондини соф ҳолда сақлаб қолиш, имкон даражасида уни бойитиш;

- ҳар бир корхона, муассаса, қишлоқ хўжалик корхонаси ва таълим муассасаларида екалогик ҳолатни яхшилаш борасида махсус тадбирлар ташкил қилиш, ҳар бир шахсни ўзи яшаб турган ҳудудда екалогия учун маъсул еканлигини уқтириш ва талаб қилиш;

- сув манбалари, яйловлар, ўрмонлар ва бошқа инсонлар фойдаланадиган жойларни екалогик ҳолатини доимий назорат қилиб туриш. Бунда Хоразм, Қорақолпоғистон, Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятларига алоҳида еътибор қаратиш;

- республикамиз ҳудудида яшайдиган одамлар, урчителиётган ҳайвонлар, балиқлар ва асаларилар, кўпайтирилаётган ўсимликлар популасиялари орасида учрайдиган екалогия билан боғлиқ бўлган касалликларни, майиб – мажрухликларни (одам ва ҳайвон) олдини олиш чора такдбирларини тузиш;

- аҳоли истеъмолига чиқарилаётган чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини доимий равишда ветеринария – санитария назоратидан ўтказиш. Булардан ташқари четдан сотиб олинаётган қорамол, уруғ, ембрион, хужайра, гармон, ҳар хил биологик фаол моддалар, дори – дармонлар, вакцина ва бошқаларни амалдаги тартибга биноан санитария назоратидан ўтказиш ҳамда халқаро меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга кўрсатилган меъёрларга риоя қилиш;

- ташкилотларда, фермер хўжаликларида ва маҳаллаларда екалогия бурчагини ташкил қилиш ва уни бажарилишини таъминлаш учун маъсул тайинлаш.

Ҳар бир ташкилотнинг, ўқув муассасасининг, шу жумладан фермер хўжаликларининг раҳбарлари, ўз жойларида меҳнат фаолияти ва техника хавфсизлиги масалаларига ҳам еътибор қаратишлари лозим. Бунинг учун:

ишга қабул қилинаётганда албатта, кейинчалик, даврий, фавқулотда, режали ва доимий равишда йўл- йўриқ ўтказиб, уни махсус журналда қайд қилиб қўйиш лозим;

хўжаликда мавжуд бўлган ускуна, механизм, технологик жараён, сех, автоулов, трактор ва чорвачиликка оид бўлган ускуналар билан ишчи ходимларни таништириб бориш лозим;

чорвачилик бинолари ва чорвачилик иншоотларида ўрнатилаётган механизм, автоматлаштирилган жараён ва қурилма ҳамда электр энергиялардан фойдаланишни билиш шарт;

корхона ва фермер хўжалигида ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги масалаларига маъсул кишиларни, улар билан таништириш ва барча ишчи ходимларни шахсий химояланиш васиталари (ШХВ) билан таъминлаш;

сигирларни машинада соғиш, автоматлаштирилган ҳолда озиқа тарқатиш ва жун қирқими каби мавсумий ишларни талофақиз ўтказиш учун техника хавфсизлигига риоя қилиш;

ишлаб чиқариш жараёнида бахқиз ходиса рўй берганда, ишчилар шикастланганда, ёки касб касаллигига чалинганда амалдаги тартибга биноан фаолиятни амалга ошириш, юқори ташкилот ва касаба уюшмаларга хабар бериш;

хўжалик ва корхонадан ҳар бир ишлаб чиқариш йили бошида ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги масалаларига маблағ ажратишга ва уни мақсадли сарфлашга еришиш, ўз вақтида ҳисобот тайёрлаш.

ХУЛОСАЛАР ВА АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Пастдаргом тумани «Улуғбек –Ойбек» МЧЖ да чорвачиликнинг умумий ҳолати ва қорамол гўшти ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш борасидаги маълумотларни таҳлил қилиб, ўз шахсий фикр – мулоҳазаларимиз билан умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

1. Туманда шу жумладан хўжаликда озиқа базасини мустаҳкамлашга эришиш ва хўжаликда бир типли озиқлантиришга ўтиш . Чунки бу тадбирлар махсулот таннархини камайтириш имкониятларини беради.

2. Хўжаликда сигирлардан олинадиган сут ва бузоқ салмоғини кўпайтириш лозим. Айнан шу орқали ҳайвонларни генетик потенциалидан тўлиқ фойдаланилади. Натижада қилинадиган ҳаракатлар 2-3 марта ошди.

3. Гўшт ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали сохани иқтисодий самарадорлигини 10 - 12 фоизга ошириш мумкин экан.

4. Гўшт ишлаб чиқаришни салмоғини ошириш ва уни экологик сифатини яхшилаш борасида илғорлар тажрибаси фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш , технологик жараёнларни талаб даражасида такомиллаштириш имкониятини беради.

5. Гўшт ишлаб чиқаришда меҳнат унимдорлиги ва қилинган меҳнат манфаатдорлигини ошириш омилларидан ҳамда имкониятларидан оқилона фойдаланиш бугунги кун талаби экан.

6.Асосий воситалардан , шу жумладан чорвачилик бинолари ва иншоотларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш муҳимдир.

7. “Улуғбек-Ойбек” МЧЖ да барча технологик жараёнлар ташкил этилган. III - гуруҳ буқачалари ўз тенгқурлари I ва II гуруҳдаги буқачаларга нисбатан 27,2 кг (12,0 %) ва 13,3 кг (5,5 %) кўп гўшт берган.Сўйим оғирлиги бўйича бу фарқ шунга мос равишда: 28,1 (11,7 %) ва 13,0 кг (5,1 %) ни ташкил қилган.

8. III – гуруҳ буқачаларни сотишдан олинган соф фойда тегишлича: 178,8; 214 ва 317,4 сўмга тенг бўлган. III – гуруҳ рентабеллик даражаси мутаносиб равишда ўз тенгқурларидан 17,4 ва 13,2 фоизни ортиқ бўлган.

Амалий тавсиялар

Пастдарғом тумани “Улуғбек-Ойбек” МЧЖ мисолида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини фаолиятига оид маълумотларни таҳлил қилиб, уни илмий-услубий манбалар билан умумлаштириб қилинган хулосалар асосида ишлаб чиқаришга қуйидаги амалий таклифларни қиламиз;

-тумандаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини чорва молларининг турлари бўйича ихтисослаштириш ва йириклаштиришни қайтадан кўриб чиқишни таклиф қиламиз;

-Самарқанд вилоятдаги барча чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун 1 бош шартли молга суғориладиган ердан 0,40 га озиқабоп екинлар учун ер ажратилишини ва унда 3,5 – 4,5 минг кг озиқа бирлиги миқдорида озиқа жамғарилишига эришишни тавсия этамиз;

- Гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ва фермаларга бўрдоқилаш жараёнини такомиллаштириш мақсадида, якуний сўқимланишни 15 ойдан 19,5 ойгача бинода боғлаб ташкил қилишни тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ветеринария тўғрисида” ги Давлат қонуни. Тошкент., 1993. 3 сентябр
2. “Наслчилик тўғрисида” ги Давлат қонуни. Тошкент 1995., 21 декабр.
3. “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги Давлат қонуни. Тошкент. 1998 й. 30 апрел.
4. “Тадбиркорлик фаолияти еркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Давлат қонуни. 2000. 25 май.
5. Республика Президентининг 200 йил 4 мартдаги “Фермерларни хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес бошқа субектларини қўллаб – қувватлаш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПК- 75 сонли қарори.
6. Республика Президентининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПК 383 сонли қарори.
7. Республика Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида, ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ги 3226 сонли фармони.
8. Республика Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “ 2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсияси тўғрисида” ги 3342 сонли фармони.
9. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ЎЗР Президентининг ПК 308 – сонли қарори. Тошкент. 2006 йил 23 март.
10. «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора - тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-842 - сонли қарори. Тошкент. -2008 йил 21 апрел.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2008.

12. Каримов И.А. Жахон молиявий - иктисодий инқрози. Ўзбекистон шароитида, уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. «Ўзбекистон». 2009.
13. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маърузаси. Тошкент 2012 йил, 19 январ.
14. Авазов Д.С., Каҳаров А.К. Мясная продуктивность некоторых молочных пород крупного рогатого скота и их помесей .Науч.тр. Московской Мед. Академии им. И.М.Сеченова. Москва. 2005. с.163-165.
15. Адушинов Д.С., Устимов Е.М. Мясная продуктивность черно - пестро-голландского молодняка. Ж. «Зоотехния» , 2002. № 4 с. 21-22.
16. Гетоков И.Ф. и др. Хозяйственно - полезные признаки черно- пёстрого скота. Ж. «Молочное и мясное скотоводство». -2004. №1. с. 5-7.
17. Горковенко Л. Марозов Н. Гўшт чорвачилигининг жадал раvнақи . “Зооветеринария” журнали. 2009. №5. 28 - 31 б.
18. Егоров И. Большая эvнклопедия фермера. Москва., ЭКСМО -2011. 512 с.
19. Жураев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тошкент. 2004.
20. Животноводство в Узбекистане. Текущее состояние проблемы и перспективы развития. Анализ в контексте тенденций развития аграрного сектора -Ташкент. -2010. -158 с.
21. Зелепухина А. Гўшт чорвачилиги тараққиётининг истиқболлари. “Зооветеринария” журнали. 2009. №4. 38-39 б.
22. Ибрагимов Ю. Замон билан ҳамнафаслик давр талаби. “Зооветеринария” журнали. 2010. № 7. 12 – 14 б.
23. Ибрагимов Ю., Хафизов И. Чорвачиликни ташкил этиш бўйича тавсиялар (деҳқон, фермер хўжаликлари рахбарлари ва мутахассислари учун). Тошкент. 2011. 24 б.

24. Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Тошкент, "Молия" 2005. 403 бет.
25. Каҳаров А. Эффективность использования пород крупного рогатого скота разного направления продуктивности и их помесей для производства говядины в условиях юга Узбекистана: Автореф. дисс. докт. с.-х. наук. Ташкент, 1994. 49 с.
26. Каҳаров А.К., Авазов Д. Қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтиришга зотлараро чатиштиришнинг ўрни : Сам ҚХИ «Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари селекцияси ва маҳсулдорлигини янада яхшилаш муаммолари» илмий тўплами.- Самарқанд. 2004.- 87-89 б.
27. Каҳаров А.К., Авазов Д. Ҳар хил генотипли буқачалар. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали – 2005.-№5. 22 б.
28. Каҳаров А., Хушвактов А. Ислохатлар даврида чорвачилик тараққиёти. "Зоотехния" журнали. 2009. № 10. 41 – 42 б.
29. Каҳаров А. ва бошқалар Қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтириш бугунги кун талаби. Республика илмий – амалий конференция материаллари. Самарқанд 2010. 112- 114 б.
30. Қудратов Т. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг тахлили. Самарқанд. 2002.
31. Максудов И. Амиров Ш. Фермер хўжалигида сермахсул сигирлар ўстириш. «Зооветеринария» журнали. 2008. № 4. 38-39 б.
32. Носиров У.Н., Усмонов О., Мирхамидов М. «Фермер бўламан». Тошкент. «Мехнат» 2003. 95 б.
33. Носиров У. Мамалакатимизда қорамолчиликни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари. "Зооветеринария" журнали. 2008. № 2. 34 – 35 б.
34. Носиров У. Фермер хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш омиллари. . "Зооветеринария" журнали. 2008. № 11. 31- 33 б.

35. Носиров У.Н. ва бошқалар Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш. “Зооветеринария” журналі. 2009. № 8. 33 – 35 б.
36. Носиров У.Н., Максудов И.М., Атабаева Х Чорвачилик фермер хўжаликларида молларнинг маҳсулдорлик, генетик потенциалидан фойдаланишда озува базасини мустаҳкамлаш муаммолари. “Зооветеринария” журналі. 2009. № 11. 36 – 37 б.
37. Носиров У.Н., Максудов И.М.- Қорамолларни бир хил озиклантириш типига ўтказиш ва маҳсулдорликни оширишнинг илмий – амалий асослари. “Зооветеринария” журналі. 2010. № 1. 29 – 34 б.
38. Норқобилов Б. Истиқлол инъоми. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси. “Зооветеринария” журналі. 2010. № 9. 5 – 7 б.
39. Мухторов А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Қарши. 1997.
40. Собиров П.С. Особенности роста, развития и формирования мясной продуктивности у некоторых пород скота при промышленном скрещивании в условиях жаркого климата: Автореф. дисс. ... докт. с.-х. наук. –М. 1990. 50 с.
40. Тешабоев Х. Ўзбекистонда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликнинг ривожланиши ва истиқболи. “Зооветеринария” журналі. 2010. № 6. 2 – 6 б.
41. Тешабоев Х. Фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш- иқтисодий барқарор жамият шакллантириш асоси. “Зооветеринария” журналі. 2011. № 7. 6-7 б.
42. Тухлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тошкент. 2008. “Ўз МТ”. 108 б.
43. Фермерское хозяйство зарубежом. “Быт фермером” 13- 11. 2009. Сайт www/чумфси.Сомск/экономика.
44. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари. 2010.
45. Холмуродов Е. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. “Зооветеринария” журналі. 2010. № 8. 4-5 б.

46. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарида озуқа базасини мустаҳкамлаш ва молларни озукалар билан таъминлаш чора тадбирлари бўйича тавсиянома. “Зооветеринария” журнали. 2008. № 6-7. 5-10 б.
47. Шарипов О. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий омиллари. “Зооветеринария” журнали. 2010. № . 5-6 б.
48. Хушвақтов А.А. Ҳар хил генотипли қора-ола зотли букачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва биологик хусусиятлари. Қ.-х. ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. ... Автореферати. Тошкент. 2007. 21 б.
49. www.Ziyonet.uz
50. www.zootexniya.ru
51. www.hifeyed.ru
52. <<http://www.selteh.com>> <http://www.selteh.com>
53. http://www.treeland.ru/article/kopoba/tado/udoi_moloka.htm
49. www.Googole.ru.